

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ДУСЯРОВ ЗАФАР ЮЛДАШОВИЧ

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ
РАЎБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

5А 230801 – “Солиқлар ва солиққа тортиш ”

магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар

и.ф.н., доцент Базаров Қ Т

ТОШКЕНТ – 2014 й.

М У Н Д А Р И Ж А:

	КИРИШ.....	3-8
	Асосий қисм.....	9-84
I-БОБ.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9-46
1.1.	Тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишда солиқ сиёсатининг моҳияти, вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари.....	9-26
1.2.	Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш ва унинг ривожланиш босқичлари.....	26-34
1.3.	Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари.....	34-45
	I-боб бўйича хулосалар.....	45-46
II- БОБ	ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ РАЎБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ ТАҲЛИЛИ.....	47-73
2.1.	Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....	47-57
2.2.	Тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришда меъёрий микдорларни қўллаш механизми таҳлили.....	58-72
	II- боб бўйича хулосалар.....	72-73
III-БОБ.	ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ РАЎБАТЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	74-84
3.1.	Тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	74-79
3.2.	Тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришни такомиллаштириш масалалари.....	79-82
	III-боб бўйича хулосалар.....	82-84
	Хулоса.....	85-88
	Фойдаланилган адабиётлар.....	89-92
	Иловалар.....	93-95

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги. Бугунги кунда иқтисодий-иқтисодий модернизациялашуви даврида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар таркибида, барқарор ривожланиш ва бюджет муносабатларига ижобий таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаси сифатида хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан тадбиркорлик субъектларининг манфаати йўлида олиб борилаётган солиқ сиёсати ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "...Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустахкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодий-иқтисодий таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди..."¹- деб, жуда ўринли фикрни билдирганлар. Демак, Ўзбекистондаги солиқ ислохоти иқтисодий ислохотларнинг таркибий қисми сифатида бир қатор умумиқтисодий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бериши лозимдир.

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган солиқ сиёсати мулкчилик шаклидан қатъий назар барча солиқ тўловчиларни самарали фаолиятлари учун шарт-шароит яратиш, солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш, солиқлар юқини камайтириш йўналишига қаратилишини тақозо этиб, бу эса тадбиркорлик фаолияти билан иш юритаётган хўжалик юритувчи субъектларимизнинг келгуси фаолиятларида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

¹"2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади" Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 18.01.2014 <http://uza.uz/oz/politics/30441/>

Иқтисодийни модернизациялашуви шароитида мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати тадбиркорлик муҳитини яхшилаш уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш жумладан, иқтисодийни барқарорлаштириш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот мавзусининг долзарблиги қуйидагилар билан изоҳланади:

- Иқтисодийнинг модернизациялашуви даврида тадбиркорлик фаолиятининг ривожига солиқларнинг аҳамиятининг ортиб бораётганлиги;
- Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида меъёрий миқдорларни қўллаш жараёнида юзага келаётган молиявий муносабатлар;
- Соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчиларга меъёрий миқдорларнинг жорий этилиши асосида кичик бизнес субъектларида солиқ юқининг юқорилиги туфайли банкдан ташқари пул айланмаларининг ортиб бораётганлиги.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.

Тадқиқот ишимизнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш механизмини амалдаги ҳолатини таҳлил этиш асосида уларни такомиллаштириш ҳисобланади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди.

- тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда солиқ сиёсатининг иқтисодий моҳияти, вазифалари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

- Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда меъёрий миқдорларни қўллаш амалиёти жараёнини таҳлил этиш ва баҳолаш;
- Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда меъёрий миқдорларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти – Магистрлик диссертациясининг тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини юритаётган солиқ тўловчилар танланган.

Тадқиқот предмети – Ишнинг предмети тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда меъёрий миқдорларни қўллаш борасидаги молиявий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда меъёрий миқдорларнинг қўлланиши уларнинг иқтисодий фаолиятига салбий таъсир этмоқда. Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан дастлабки йилларда меъёрий миқдорларни қўлламаслик улар фаолиятини рағбатлантириш билан бирга солиқ солинадиган базани кенгайтишига олиб келади.

Магистрлик диссертация иши бўйича қисқача адабиётлар таҳлили тўғрисида сўз юритилганда классик иқтисодчи олимларнинг солиқ назариялари бўйича илмий асарлари, ўзбек ва хорижий иқтисодчи олимларнинг мазкур муаммолари бўйича илмий изланишлари ҳамда бозор муносабатлари ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда меъёрий миқдорларни қўллаш борасида илғор тажрибалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу соҳага тааллуқли бўлган фармонлари, қонунлари, қарорлари ҳамда меъёрий ҳужжатлари ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланишида, солиқ сиёсати унинг моҳияти ва улар бўйича имтиёзлар билан боғлиқ бўлган муаммолар, бюджетни

даромадлар манъбаини шакллантиришда ҳудудлар солиқ салоҳиятини баҳолаш механизми билан боғлиқ бўлган муаммолар таниқли машҳур классик иқтисодчи олимлар А.Смит, Д.Рикардо, К.Макконнелл, С.Брю асарларида, россиялик иқтисодчи олимлардан Э.Вознесенский, Л.А.Дробозина, В.М.Радионова, Г.Б.Поляк, В.Н.Семенов, В.Ф.Столяров, В.Сенгачов, Д.Г.Черник² каби кўпгина этакчи олимларнинг илмий ишларида сезиларли даражада аҳамият берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодчи олимлари ва амалиётчи мутахассислари А.В.Ваҳобов, А.Абдуқодиров, О.К.Абдурахманов, Э.Гадоев, О.Н.Ашурова, Т.Маликов, О.Олимжонов, П.Ж.Жамолов, Ш.А.Тошматов, Д.М.Муталова, А.Ч. Бобоев, М.М.Абдурахмонова, С.К.Худойкулов, К.Яхъеев, Б.Р.Санакулова³ ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ҳам ёритиб берилган. Шу тарафлама мазкур изланиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга мавзуга алоқадор бўлган таълим соҳаси бўйича хорижий журналларда чоп этилган эликдан ортиқ илмий мақолалар ўрганилиб таҳлил этилди, жумладан:

АҚШда кичик корхоналарнинг аниқ бир дефиницияси бир қанча музокарали ҳолатлар юзага келган бўлсада, Божхона кодексида корхона активлари ёки умумий даромад миқдорида қараб синфлаш амалиётга жорий қилинган. Бу миқдорлар солиқ ҳисоботларидан аниқланиб 5-10 млн АҚШ доллари миқдорида бўлиши белгиланган. Айрим хусусий ҳолларда, солиқ ҳисоботларида корхона ходимларининг умумий сонини кўрсатиш талаб этилмасада, шу кўрсаткич бўйича корхонани таснифлаш амалга

² Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. Том 1. – М.: Госполитиздат, 1955. – 354 с.; Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег (избранные произведения). – М.: Экономика, 1983. – 518 с.; Макконнелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 940 с.; М. Питерс Предпринимательство// Вып 1. М., 1991, с20;

³ Абдурахманов О.К. Налоговые системы зарубежных стран. Монография. – М.: Издательство “Палеотип”, 2005. – 376 с.; Ашурова Н. Б. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда солиқ механизмнинг таъсири. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2008. – 22 б. Гадоев Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1996. – 128 б.; Ғуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ”, 2002. – 9 б.; Бюджет-солиқ сиёсати/ Т.С. Маликов, П.Т. Жалилов; Т.С. Маликовнинг умумий таҳрири остида; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тош. Молия ин-ти. – Т.: Akademnashr, -2011. 472 б. Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш: Ўқув қўлланма/Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; Тошкент молия институти. –Тошкент: Нашр, 2012, 236 б; Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. Монография. –Т.: “Молия”, 2012. –160 б;

оширилиши мумкин. Ушбу таснифга кўра кичик бизнес субъектларига 100 кишидан 500 кишигача ходими мавжуд корхоналар киритилиши мумкин⁴.

Иқтисодчи олим Тошматовнинг фикрига кўра, кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмидаги мавжуд муаммолар ечимини топиш ва улар фаолиятини солиқлар воситида рағбатлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим ва айтилиши зарур бўлган долзарб илмий муаммодир.

Иқтисодчи олим Б. Санакуловнинг фикрига кўра, эса иқтисодиётни модернизациялашуви жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиёти муҳим аҳамият касб этади. Чунки, катта маблағ талаб этмайдиган ва ресурсларнинг ўсиши тезлиги кафолатловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, иқтисодиётдаги юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни тез ва ортиқча сарф харажатсиз бартараф этишга, маҳаллий бозорни молиявий ресурслар чегараланган шароитда ҳам истеъмол моллари билан тўлдиришга қодир бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий этиши кўп устуворликларга эга .

Тадқиқотда қўлланилган услублар. Тадқиқот жараёнида қуйидаги таҳлил услубларидан фойдаланилди: илмий абстракция кўрсаткичларни гуруҳлаш, статистик таҳлил, қиёсий ва мантиқий таҳлил.

Магистрлик диссертация ишининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари Республикамизда амалда бўлган солиқ сиёсати ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда меъёрий миқдорларни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари бу илмий ишимиз ҳозирги кунда энг долзарб муаммолар ечимларини ҳал этишга бағишлангандир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар ҳисобланади.

- ✓ Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишнинг назарий асослари ўрганилди;

⁴ <http://www.jstor.org/>

ISSUES IN SIMPLIFYING THE TAXATION OF SMALL BUSINESS Author(s): Susan Nelson Source: Proceedings. Annual Conference on Taxation and Minutes of the Annual Meeting of the National Tax Association, Vol. 92 (1999), pp. 103-113

- ✓ тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш механизми таҳлил этилди;
- ✓ тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш амалиёти такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Магистрлик диссертация ишининг тузилиши ва таркиби.

Тадқиқот иши кириш, хулоса, ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар, иловалар қисмидан ташқари уч бобдан иборат бўлиб, бу бобларда 7 та савол мужассамлашган.

Диссертация ишининг 1 бобида Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишнинг назарий асослари тадқиқ этилиб, тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишда солиқ сиёсатининг моҳияти, вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари; Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш ва унинг ривожланиш босқичлари; тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилган. Ишнинг 2 бобида эса, тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш механизми таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари; тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришда меъёрий миқдорларни қўллаш механизми таҳлил этилган. Магистрлик диссертация ишининг 3 бобида тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш амалиёти такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилиб, тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари; тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришни такомиллаштириш масалалари ўз аксини топган. Хулоса қисмида таҳлил натижалари хулосалар берилган.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишда солиқ сиёсатининг моҳияти, вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни олиб боришда жумладан, Халқ манфаатларига мос бўлиб тушадиган мустақил иқтисодий сиёсат ҳар қандай давлатнинг эркин ривожланишида мажбурий шарт ҳисобланади. Айнан шундай сиёсатни эзгулик билан амалга ошириб бориш, Президентимиз И.А. Каримов томонидан 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади номли маърузаси “Солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда.

Мамлакатимизда яқин йилларда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсишига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига, шу билан бирга, аҳоли турмуш даражасини яхшиланишига сабаб бўлмоқда.

Республикамызда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш орқали кенг эркинлик бериш, уларни тез суръатларда ривожланиши учун янада қулай ишчан шароит яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи ҳукумат даражасига кўтарилган. Шундай экан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий рағбатлантириш учун ҳукуматимиз муҳим иқтисодий воситалардан бири бўлган солиқлардан кенг фойдаланиб келмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тўхталиб, – “2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови


ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани бунга яққол тасдиқлайди”⁵ деб таъкидлаб ўтганлар.

Иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг солиққа тортиш амалиётида тадбиркорлик субъектларини, хусусан кичик бизнес субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлашда кенг тарқалган усуллардан бири бу пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллашдир. Лекин бизда хориж амалиётда кам учрайдиган ўзгача амалиёт – бу ўндан зиёд солиқлардан иборат бўлган умумбелгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ўрнига ихчамлаштирилган тартибни кўзда тутувчи соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини қўллаш амалиёти мавжуд.

Мамлакатимизда корхоналарнинг ишчи ходимлари сонига қараб таснифлашнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиб, 1997 йилдан бошлаб такомиллаша борди. Бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрда қабул қилинган “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган кичик тадбиркорлик субъектлари мезонлари бунга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қарор бўйича талабга жавоб берадиган кичик корхона ва микрофирмалар солиқ қонунчилигига мувофиқ ўз хоҳишларига қараб соддалаштирилган солиққа тортиш тартибига ўтишлари мумкин. Соддалаштирилган солиққа тортиш тартибига ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари 10 дан ортиқ солиқ ва мажбурий тўловлар ўрнига ягона солиқ тўловини тўлайдилар, ушбу солиқнинг асосий ставкаси 2008 йилда 8 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 6 фоиз этиб белгиланди. Йилдан-йилга кичик тадбиркорлик субъектлари

⁵Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2013 й. 5-6 б.

учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкасининг пасайтириб борилиши кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ошишига хизмат қилмоқда.



1.1-расм. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ва ягона солиқ тўловининг асосий ставкасининг ўзгариш динамикаси⁶.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган даврда ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши йилдан-йилга ошиб борган, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни ташкил этган бўлса 2013 йилга келиб 7,6 фоизли пунктга ошган, яъни 55,8 фоизга тенг бўлган. Бунинг асосий сабаби кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови асосий ставкасининг 2008 йилдаги 8 фоиздан, 2013 йилда 6 фоиз⁷га туширилганлигидадир.

Мамлакатимизда соддалаштирилган солиққа тортиш тартиби қуйидаги учта мустақил солиқлар – ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқлардан ташкил топган. Юқоридаги уч гуруҳ солиқни тўловчиларнинг аксарияти (савдо ва умумий овқатланиш ҳамда лотерея фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслардан ташқари) кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланишади. Улар 2013 йил яқунлари бўйича сон жиҳатдан мамлакатимизда жами тадбиркорлик субъектларини 95%дан кўпроғини, мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 55,8%ни, қишлоқ хўжалиги тармоғида 98,1%ни, йўловчи ташиш, юк ва йўловчи

⁶ <http://www.stat.uz/uz/economy/264>

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон республикасининг 2014 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2099 қарори.

айланмаси тармоғида 84%дан юқори, қурилишда 71,9% ва яна бир муҳим бўлган томони бандлик тармоғида 76%ни ташкил қилиши ушбу субъектларни солиққа тортиш тизимини ҳар томонлама пухта, шу билан биргаликда эгилувчан, қайишқоқ ва мослашувчан бўлишни талаб қилади⁸.

Юқорида билдирилган фикрда солиқ сиёсатининг икки томонлама характерга эга эканлиги яққол кўриниб турибди. Бу ҳолат бир томондан солиқ сиёсатининг стратегияси давлат бюджетини даромадлар билан таъминлаш эканлиги ва иккинчи томондан хўжалик юритувчи субъектлар жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг манфаати йўлида иш юритилаётганлиги қайд этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йилибўлади” номли маърузаларида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

⁸<http://www.stat.uz/uz/economy/264>

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.”⁹

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда солиқ назарияси, солиқ тизими, жумладан солиқ сиёсати борасида хорижий ҳамда мамлакатимиз олим ва мутахассислар томонидан солиқ сиёсатининг иқтисодиётимизнинг модернизациялашуви даврида долзарблиги унинг хусусиятлари тўғрисида илмий изланишлар олиб борилиб унга нисбатан ўз фикр мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

Шу ўринда профессор Т.С. Маликов “Бюджет-солиқ сиёсати” номли монографиясида “... замонавий солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этишнинг фундаментал асослари, солиқ юкини енгиллаштириш –солиқ сиёсатининг энг долзарб муаммоси, солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш – солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлашнинг гарови эканлиги, бюджет-солиқ сиёсатининг замонавий долзарб муаммолари, уларга нисбатан билдирилаётган эътирозлар, муаммоларни ҳал қилиш йўллари, Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устувор йўналишлари) тўғрисида аниқ тасаввурга ва мустаҳкам позицияга эга бўлмоқлари лозим”¹⁰, деб фикр билдирганлар.

⁹2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 18.01.2014 <http://uza.uz/uz/politics/30441/>

¹⁰ Бюджет-солиқ сиёсати/ Т.С. Маликов, П.Т. Жалилов; Т.С. Маликовнинг умумий тахрир остида; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тош. Молия ин-ти.-Т.: Akademnashr, -2011. 3б.

Шу билан биргаликда муаллиф солиқ сиёсатига нисбатан ўз фикр-мулоҳазасини билдирар экан солиқлар, жумладан солиқ сиёсати ҳамда мазкур муаммонинг Президентимиз И.А. Каримов томонидан, ҳозирги кундаги долзарб масала эканлигини 25 та фикр доирасида¹¹ (монографиянинг 412-444 бетлари) асослаб берилган.

Шу ўринда биз томонимиздан тадбиркорлик, тадбиркор ибораларига иқтисодчи олимларимизнинг берган фикр мулоҳазаларига тўхталишни лозим топдик. Бизнинг назаримизда тадбиркорликнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ёритишга аниқлик киратади. Жумладан, профессор Р. Хизрич “тадбиркорлик –қийматга эга бўлган қандайдир янги нарсанияратиш жараёнидир, тадбиркор ўзининг бор кучи, катини шу жараёнга сарфловчи, жараёни амалга ошириш учун молиявий рухий, ижтимолий таваккалчиликни зиммасига олувчи, эвазига мукофот сифатидапул, қониқиш олувчи кишидир¹²” деб таъриф берса, К. Макконелл ва С. Брюлар “Тадбиркор бу ўз хисобига иш юритувчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва зарур маблағлар билан таъминлашдаги масъулиятни ўз гарданига олган мусатқил қарорлар қабул қилувчи шахсдир¹³” дейдилар.

Ўзбек иқтисодчи олимларидан академик С. Ғуломовнинг таъкидлашича “кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳар қандай шароитда: иқтисодий тушкунликда ҳам, инфляция даврида ҳам, кредит фоизи ўта юқори бўлганда ҳам, зарур инфратузилмасиз келажаги ноъмалум ҳолларда ҳам, хавф хатар қанчалик юқори бўлишига қарамасдан яшайверади¹⁴” деб қайд этадилар. Профессор Ш.Тошматов “Кичик бизнес корхоналарига таъриф бериб, солиққа тортиш нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда, уларга

¹¹Бюджет-солиқ сиёсати/ Т.С. Маликов, П.Т. Жалилов; Т.С. Маликовнинг умумий таҳрир остидаё; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тош. Молия ин-ти.-Т.: Akademnashr, -2011. 412-444бетлар.

¹² Р. Хизрич, М. Питерс Предпринимательство// Вып 1. М.,1991, с20

¹³ К. Макконелл, С. Брю Экономика. Принципы, проблемы и политика. – М.:Республика, 1992.- с.38

¹⁴Ғуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: “Шарқ”, 2002. -9 б.

ҳуқуқий мақом беришда, ҳар бир давлат ўзига хос тарзда ёндашишга ҳаракат қилади¹⁵» деб фикр билдирадилар.

Тадбиркор фойда олиш мақсадида товар (хизмат) ишлаб чиқариш жараёнида ер, сув, капитал ва меҳнат ресурсларини бирлаштириш ташаббусини олади ҳамда тадбиркор бир вақтда ишлаб чиқарувчининг ҳаракатлантирувчи кучи ва ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун бошқа ресурсларни бир жойда уйғунлаштирувчи ташаббускор ҳисобланади.

Тадбиркор бизнесни юритиш, фойдани кўпайтириш бўйича асосий қарорлар қабул қилади, бу қарорлар корхона фаолиятининг мақсадларини аниқлаб беради;

Тадбиркор юқори фойда орқасидан қувиб, янги маҳсулотлар, янги ишлаб чиқариш технологияси ёки ҳатто бизнесни ташкил қилишнинг янги шакллари тижорат асосида жорий қилишга ҳаракат қилувчи ташаббускор шахс ҳисобланади;

Тадбиркорлик фаолияти бу таҳликага боровчи фаолиятдир¹⁶, деб тўрт хил таъриф берганлар.

Албатта бундай берилган таърифларни келтиришимиз мумкин, аммо магистрлик диссертациямиз ҳажмининг чегараланганлигини инобатга олган ҳолда бир қатор иқтисодчи олимларимиз томонидан тадбиркор иборасига берилган таърифлар билан чегараландик ва улар билан танишиб, муҳокама қилар эканмиз улар томонидан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан берилган фикрларнинг уйғунлигини таъминлаган, ҳамда кўшилган ҳолда тадбиркорлик унинг фаолияти бозор муносабатларига тўлиқ мослаша оладиган аввало ҳам ўзларининг ҳам фаолият юритаётган давлат манфаати йўлида (олдиларидаги барча мажбуриятларни бажарган ҳолда) иш юритадиган хўжалик юритувчи субъект десак муболаға бўлмаса керак.

¹⁵Ш.А. Тошматов. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. Монография. –Т.: “Молия”, 2012. –22б.

¹⁶Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2002. – 180 б.

Ушбу фикрлар доирасида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасида солиқ сиёсати уларни солиққа тортишда меъёрий миқдорларнинг қўлланилиши вазифалари нималардан иборат каби саволларга магистрлик диссертация ишимиз доирасида қисқача тўхталишни лозим топдик.

1.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий
кўрсаткичлари¹⁷ (%да)**

Асосий макроиктисодий кўрсаткичлари	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й. (прогноз)
Ялпи ички маҳсулот	108,3	108,2	108,0	108,1
Саноат маҳсулот ишлаб чиқариш	109,3	108,6	108,4	108,3
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш	105,8	105,8	106,0	106,0
Капитал қўйилмалар ҳажми	112,4	109,3	109,3	109,5
Чакана савдо ҳажми	115,4	113,4	113,8	113,9

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти йил сайин ортиғи билан бажарилиб келмоқда шунинг асосида мамлакатимизда саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, капитал қўйилмалар ҳажми ва чакана савдо ҳажми ҳам ўз ўрнида ортиғи билан

¹⁷ Жадвал Ўзбекистон макроиктисодий кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан тузилган

бажарилмоқда. Буни юқорида жадвалдаги маълумотларда ўз аксини топган.

Бизнинг назаримизда юқорида акс эттирилган кўрсаткичларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг улуши бор.

Маълумки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини яратилган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин.

Бизнинг ҳисобларимизга кўра, 2015 йилга бориб, республикамиз бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улуши 2000 йили 31 фоизни ташкил этган бўлса 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 66,1 фоизни ташкил этилиши кўзда тутилган. Бу кўрсаткич Сурхондарё вилояти бўйича таҳлил этилганда унинг кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улуши 2000 йили 44,3 фоизни ташкил этган бўлса 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 78,9 фоизни ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Бизнинг назаримизда Президентимиз томонидан билдирилган фикрларни яна бир бор тасдиқламоқда.

Шу ерда бир нарсга аниқлик кирицак, солиқ сиёсати нима? Унга қандай таъриф бериш мумкин?

Умуман сиёсат деганда, давлатнинг илгаридан режалаштириб, аниқлаб ва ҳуқуқий меъёрлар асосида амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади.

Солиқ сиёсати – мамлакат бўйича маълум вақтга белгиланган концепция, мезон ва вазифалар, давлат иқтисодий ва молиявий сиёсатининг асосий таркиби, давлатнинг солиққа тортиш услублари, солиқ турлари, уларни тўлаш тартибларини такомиллаштиришга бағишланган мақсадли тадбирларидир.

**Республика ЯИМда ҳудудлардаги кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарнинг ялпи ҳудудий
маҳсулотдаги улушининг истикболда ўсиб бориши (фоиз ҳисобида)¹⁸**

Республика ҳудудлари	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши
Ўзбекистон Республикаси	31,0	38,2	52,1	66,1	213,2
Қорақолпоғистон Республикаси	26,9	48,9	57,9	66,9	248,7
вилоятлар					
Андижон	32,9	38,7	49,9	61,1	185,7
Бухоро	33,0	44,4	51,1	57,8	175,2
Жиззах	37,1	64,4	73,0	79,8	215,1
Қашқадарё	25,8	38,4	45,8	58,4	226,4
Навоий	21,5	20,9	33,5	46,1	214,4
Наманган	33,4	51,4	75,4	81,4	243,7
Самарқанд	44,3	54,5	68,3	78,9	178,1
Сурхондарё	39,1	45,9	64,8	81,7	208,9
Сирдарё	38,9	58,8	72,5	80,6	207,2
Тошкент	34,0	36,3	45,6	54,9	161,5
Фарғона	32,0	43,9	64,7	82,3	257,2
Хоразм	34,2	54,2	78,3	81,9	239,5
Тошкент ш.	41,5	54,3	70,2	79,1	190,6

Солиқ тизимини давлат ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб, мувофиқлаштирилган бу тадбирлари солиққа тортиш билан боғлиқ барча муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади, ёки соддароккилиб айтганда солиқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий, амалий тавсиялар ва қонун меъёрларининг ишлаб чиқиши ва жорий этилишидир.

Солиқ сиёсати - иқтисодий сиёсатнинг умумлашган ифодаси ҳисобланиб, ҳар бир давлатда у муайян давр талаб ва эҳтиёжларига

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси асосида ҳисобланди.

мувофиқлаштирилиб туради, чунки солиқ сиёсати давлатчилик сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожланишнинг эркинлашган бозор муносабатларига мувофиқлаштириш ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув шароитида солиқстратегияси солиқлар тизимини ислоҳқилишнинг асосий йўналишларини аниқлаш, жаҳон ҳамжамиятида шаклланган бозор муносабатларига кириб бориш учун республикада амалдаги солиқлар ва солиққа тортиш тартиб қоидаларидан тубдан фарққиладиган янги солиқ технологияларини жорий қилиш асосларини яратиш вазифасини ўз ичига олади.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда давлат қуйидаги масалаларга эътибор беради ва уларни қўллайди:

иқтисодий масалалар - яъни иқтисодни динамик ўсишини таъминлаш, циклик ишлаб чиқаришни сусайтириш, инфляциян жараёнларни энгиш.

Ижтимоий масалалар – яъни миллий даромадни қайта тақсимлашда айрим итимоий гуруҳқатламларини кўзда тутган ҳолда фойда миқдорини ўсишини ва аҳоли даромадлари даражасини тушиб кетмаслик йўлларини олдини олиш.

Фискал (ҳазина) масалалар – яъни давлат даромадлари қисмини ошириш.

Халқаро масалалар - бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, тўлов баланси учун номақбул шароитларни олдини олиш.

Давлатнинг солиқ сиёсатидан солиқ механизмнинг йўналиши келиб чиқади. Шу ерда бир нарсага аниқлик кирицак, солиқ механизми нима ва унга қандай таъриф бериш мумкин?

Солиқ механизми бюджет механизмни таркибига киради. Солиқ механизми деганда, солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган солиқларнинг ташкил қилишнинг барча элементлари, усуллар ва тамойиллари йиғиндиси тушунилади. Бундай элементларга солиқ объекти, субъекти, солиқставкаси, тўлов муддатлари, солиқҳуқуқи ва ҳужжатлари киради. Солиқ механизми солиқ тизимини амалиётга тадбиқ этилишини

ифодалайди. Солиқ механизмидан фойдаланиш солиқ элементларининг йиғиндисидан самарали фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқилган тушунчадир Бу механизм таркибида солиқлар ва бошқа тўловлар (ажратма, йиғимлар) каби элементлар борлигини айтиб ўтиш зарур. Шу механизм таркибида солиқлар аксарият узоқ йиллар ҳаракат қилса, уларнинг элементлари (масалан ставкаси) тез-тез ўзгариб туриши мумкин. Демак, солиқлар солиқ механизмининг нисбатан мустаҳкам, узоқ йилларга мўлжалланган, кам ўзгартириладиган қисми. Ажратмалар, йиғимлар ва солиқларнинг элементлари тез-тез ўзгариб турадиган, ҳатто бекор бўлиб кетадиган туридир.

Солиқлар орқали тартибга солиш (налоговое регулирование) – бюджетнинг солиққисмини бажариш жараёнида оператив аралашишнинг, иқтисодий чоралар тизимидир. Солиқлар орқали тартибга солиш солиқларнинг тартибга солиш функциясидан келиб чиқади, лекин бир томондан унинг мақсади давлатнинг ўз фаолиятларини амалга оширишда зарур бўладиган даромад қисмини шакллантириш бўлса, бошқа бир томондан солиқлар орқали тартибга солиш хўжалик юритувчи субъектлар капиталини ўстиришга ва жамият бойлигининг ўсишига йўналтирилган бўлиши зарур. Солиқлар орқали бошқаришнинг охирги мақсадларидан бири бу давлат, хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳамда аҳоли манфаатларини тенглаштиришдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак тартибга солишнинг асосий мақсади бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар фаолиятлари учун умумий солиқ иқлимини яратиш, ҳамда энг муҳим йўналишларга ўз маблағларини йўналтириш мақсадида преференциал солиқ шароитларини таъминлашдир. Назарий жиҳатдан солиқлар орқали тартибга солиш жуда кенг қамровга эгадир, аммо ишлаб чиқариш амалиётида ҳар доим ҳам солиқ рағбатлари томон боравермайди.

Иқтисодиётни солиқлар орқали бошқариш миллий корхоналар инвестицион фаолиятини ривожлантиришга ва иқтисодиётда таркибий

силжишларга эришиш учун йўналтирилган бўлади ва у хар-хил усул ҳамда услублар билан амалга оширилади.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек “Солиқ сиёсатининг вазифаси –бир томондан давлат бюджети даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлаш, иккинчи томондан – корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат”¹⁹. Ушбу фикрдан келиб чиққан ҳолда солиқ сиёсатининг амалга оширилиши натижасида бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдек вазифанинг бажарилиши принципиал аҳамиятга эгадир. Бу вазифанинг бажарилиши давлат молиявий ахволининг мустаҳкамлигидан далолат беради, давлат зиммасига юкланган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишига молиявий замин яратади, бюджет соҳасини узлуксиз молиялаштиришда муаммолар пайдо бўлмайди, давлат ўзининг функцияларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариш имконига эга бўлади ва аксинча, оқилона солиқ сиёсатини амалга ошириш натижасида бюджет даромадларининг барқарор сафарбарлигини таъминлаш вазифасининг бажарилмаслиги жуда ёмон оқибатларига олиб келиши мумкинлиги шундоқ ҳам аён.

Иккинчи томондан, солиқ сиёсати тадбиркорларимизни республикаимиз учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантириши ҳам керак. Бу эрда гап солиқ сиёсати тактикасини амалга ошириш натижасида, энг аввало, республикаимиз ички бозорининг эҳтиёжларини тўлароққондиришга хизмат қилиши керак. Ундан ташқари, солиқ сиёсати стратегияси умумий тарзда корхоналарни маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантирмасдан, балки уларни республикаимиз учун зарур бўлган ёки республикаимиздаги талабга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантириши керак.


¹⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –б.52

Бу ерда солиқ сиёсатининг олдига қўйилган ҳар икки вазифадан бирининг бажарилиш даражасини иккинчисисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар иккала вазифага баб-баравар, бир кўз билан қарамоқ лозим. Булар параллел йўналишга ва тенг кучга эга бўлган вазифалардир.

Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларини тўлдиришни таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатини ўтказиш йўли билан шакллантириш

Мамлакат бюджетининг таркиби аввало унинг давлат қурилишига боғлиқ. Унитар тизимга эга бўлган мамлакатларда, бюджет тизими бамисоли икки қаватли қурилмага-давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларга эга булади. Федератив тизимга эга бўлган мамлакатларда оралиқ буғинлар-штатлар, ўлкалар ва уларга мувофиқ маъмурий тузилмаларнинг штатлари мавжуд.

Президентимиз ўз маърузасида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети



1.2-расм. Давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиш даражаси, (фоизда)²⁰.

²⁰Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий кўрсаткичлари асосида тузилган

профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турганини таъкидлаб ўтди (1-расм).

Расмдан кўринадики, 2000-2004 йиллар давомида мамлакатимиз давлат бюджети тақчиллигини -1,0 фоиздан -0,4 фоиз даражасига қадар пасайтиришга, 2005-2008 йиллар давомида эса давлат бюджети тақчиллигига барҳам бериб, давлат бюджети профицитини 0,1 фоиздан 1,5 фоизга қадар оширишга эришилди. Кейинги йилларда мазкур жараёнларга ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг салбий таъсирини кўрсатишига қарамасдан, бюджет профицитини сақлаб қолишга эришилмоқда. Хусусан, жуда мураккаб кечган 2012 йилда ҳам мақсадга мувофиқ йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида бюджет даромадлари унинг харажатларидан ортиш ҳажми ЯИМнинг 0,4 фоизи ва 2013 йили 0,3 фоиз даражасида бўлишига эришилди. Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ўзгартириш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларнинг хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустақамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди²¹.

Бундан келиб чиқадиган дастлабки хулоса, солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилиши кўп жиҳатдан, солиқ сиёсати стратегиясининг муваффақиятига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу эрда ҳақли равишда мамлакатимизда мустақил молиявий сиёсатни «солиқ сиёсатини ўтказиш йўли билан шакллантириш деган фикр билдирилмоқда. Бир вақтнинг ўзида мустақил молиявий сиёсатни амалга оширишда солиқ

²¹2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2014.

сиёсати стратегиясининг олдида қўйилиши лозим бўлган вазифалар ҳам шу жойнинг ўзида ўз аксини топган. Бу вазифалар қуйдагилардан иборатдир: республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш; бюджет даромадларини тўлдиришни таъминлаш; амалий фаолликни рағбатлантириш.

Агар юргизилаётган солиқ сиёсати стратегияси ана шу уч вазифани бажариш имконини берса, уни сира иккиланмасдан изчил солиқ сиёсати тактикаси деб ҳисоблаш ва у мустақил молиявий сиёсатни шакиллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб қайд этиш мумкин.

1. Солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш.

Янги солиқ сиёсати стратегияси доирасида дастлабки вазифанинг бу тарзда қўйилиши амалдаги солиқ тушумларининг таркиби замонавий даврнинг талабларига этарли даражада тўлиқ жавоб бераолмаётганини кўрсатмоқда. Солиқ тушумларини тубдан ўзгартириш, бир томондан, сақланиб қолиши мўлжалланаётган солиқ тушумларининг ўзаро нисбатини анча ўзгартиришни талаб қилади.

2. Ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш.

Қўйилган бу вазифа биринчи вазифанинг мантикий давоми ҳисобланади. Чунки ресурслар ва мол-мулк солиғининг ролини ошириш сари юз тутиш, ўз навбатида, солиқ тушумлари таркибининг ўзгаришига олиб келади. Бошқа бир томондан ресурслар ва мол-мулк солиғининг ролини ошириш тўғрисида аниқ вазифа белгиланган экан, бу нарсa бизнинг шароитимизда ҳамон ресурслар ва мол-мулкдан этарли даражада самарали ва оқилона фойдаланиб келинмаётганини билдиради. Бу эрда ресурслар ва мол-мулк солиғини ролини оширишдан кўзланган мақсад ана шу солиқлар ёрдамида улардан самарали ва оқилона фойдаланишга ижобий таъсир кўрсатишдир.

3. Жисмоний шахслардан солиқ ундирилишининг прогрессив тизимини жорий этиш.

Янги солиқ сиёсати стратегияси доирасида бу вазифанинг қўйилиши жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар механизмида бир неча камчиликларнинг борлиги, амалдаги солиққа тортиш механизми жисмоний шахсларнинг фаоллик даражасини оширишга етарли даражада таъсир кўрсатмаётганлиги, бу механизмни давр талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришнинг зарурлиги билан белгиланади. Гап бу ерда жисмоний шахслар даромадларининг ортиб бориши билан тўланадиган солиқ суммаларининг ҳам ортиб бориши тўғрисида эмас, балки улардан солиқ ундиришнинг илғор тизимини жорий этиш тўғрисида кетаяпти. Бу илғор тизимининг жорий этилиши жисмоний шахслар ва бюджетнинг манфаатларига баравар мос келиши, жисмоний шахсларнинг меҳнат фаолиятини фаоллаштириш ва ўз меҳнат фаолиятини фаоллаштириш ва ўз меҳнатларининг натижаларидан манфаатдорлигини оширишга олиб келмоғи лозим.

Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини яъни тўғри солиқ сиёсати стратегиясисиз амалга оширишнинг иложи йўқлиги қайд этиляпти. Ана шундай ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларнинг барчаси солиқ юкининг бироз оғирлигига бардош беришлари керак. Ундан ташқари, юқоридаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда солиқ сиёсати тактикасининг юргизилиши ижтимоий ночор бўлмаган аҳоли қатламларида солиқ юкининг «анчагина» оғир бўлишини тақазо этаётганлигини улар ҳам билишлари шарт. Ижтимоий ночор аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашни кўзда тутиб юргизилаётган солиқ сиёсати стратегияси жамият аъзоларининг кескин табақалашувига, аҳоли даромадларининг асоссиз ўсишига олиб келмаслиги лозим. Бу нарса биз томонимиздан шундай сиёсатни доимо ушлаб туришни ва унга нисбатан эътиборни бирор дақиқа ҳам сусайтирмаслик керак.

Шу ўринда корхоналаримизнинг фаолиятини юксалиши ўз ўрнида давлат бюджети даромадларида асосий ўрин эгалловчи солиқларнинг ўз

вақтида келиб тушиши корхоналар, жумладан кичик бизнес ва тадбиркорларнинг фаолиятига чамбарчас боғлиқдир.

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаравон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

Истиқболда иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда бу бўлимни яқунлар эканмиз демак, хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда олиб борилаётган солиқ сиёсати асосида давлат бюджетининг молиявий ресурслар билан таъминланишига шунингдек, мамлакатимиз тадбиркорлари молиявий фаолиятини ривожланишига шу ўринда аҳолининг яхши турмуш кечиришига олиб келади.

1.2 Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш ва унинг ривожланиш босқичлари

Мамлакатимизнинг ижтимоий иқтисодий ривожланиши даврида Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли шакллари жорий этиш ва уларнинг тенглигини ҳуқуқий кафолатлаш, мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини айнан ушбу хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши Конституциямиз томонидан белгиланган.

Маълумки, «бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини,

барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди» (53 модда)²², деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг бош мақсади – кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни яратиш ва шунинг ҳисобидан аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириб боришдир.

Шу сабабли мамлакатимизда замонавий бозор механизмлари, уларнинг самарадорлигини таъминлаш ва шу асосда юртимизда барқарор бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим шартига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор йўналишга айланди. Албатта, бу ўз мевасини бермоқда.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида Президентимиз томонидан билдирилган фикрларни қайд қилимиз.

Биринчи мисол. Агар 2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади.

Иккинчи мисол. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

Учинчи мисол. 20 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоизидан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади.

Тўртинчи мисол. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ

²² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 11-12-бетлар.

хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келмоқда²³.

Бизнинг назаримизда Президентимиз томонидан тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларимиз фаолиятининг ривожига мамлакатимизнинг мустақилликга эришганаданок асос солган десак адашмаймиз.

Ушбу фикрлар билан биргаликда бир қатор олимларимиз томонидан мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш босқичларига алоҳида баҳо берганлар. Уларни қисман кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Академик С. Ғуломов таҳрири остида нашр этилган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш” номли ўқув қўлланмада Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг ривожланишини биз уч босқичга бўлган ҳолда изоҳланган, жумладан, 1-босқич. 1917 йилга қадар бўлган даврни олишимиз мумкин. Ушбу давр майда хунармандчилик ва савдогарчилик юқори суръатларда ривожланиши билан хусусиятлидир. Бу давр қўл меҳнатининг юқори бўлиши билан фарқланади ва яқка тадбиркорлик алоҳида ўрин тутди.²⁴

2-босқич. 1917 йилдан 1990 йилгача бўлган давр. Бу вақтда марказлашган режали бошқариш ҳукм сурган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимотда давлат асосий ролни ўйнаган. Эркин тадбиркорлик фаолияти нисбатан чекланган. Ишлаб чиқариш экстенсив йўл билан ривожлантирилган.

3-босқич. Республикани мустақилликка эришгандан кейинги йилларини олишимиз мумкин. Бу даврни хусусиятли томони иқтисодиётда “Танглик” ҳолати ҳукм суриши, иқтисодиётни эркинлаштириш ва барқарорлаштириш бош вазифа қилиб белгиланиши, уни амалга оширишнинг давлат томонидан махсус механизми яратилиши шартлиги, унинг

²³ Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили // Халқ сўзи, 2012, 15 сентябрь.

²⁴ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. С. Ғуломов таҳрири остида Т., “Fan va texnologiya” нашриёти, 2005 й. 10 б.

муҳимйўлларида бири сифатида эркин тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши билан тавсифланади.

Ушбу даврни шартли равишда тўрт даврга бўлишимиз мумкин.

1-давр. Қайтадан уйғониш даври, асосан, 90-йилларнинг бошларига тўғри келади. Бу даврда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ҳуқуқий базаси ташкил этилди. Қайта уйғониш даврининг асосчиси этиб президентимиз И.А.Каримовни олишимиз мумкин. 2-давр. Тикланиш (оёққа туриш) даври, 1999-2000 йилларни камраб олади. Бу вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари шакллантирилди. Уларни муваффақиятли ривожланиши учун шароит яратилди. Давлат томонидан тегишли ёрдамлар (имтиёзли ссудалар берилиши, вақтинча солинутрдан озод этилиши, сармояларни шакллантиришнинг жаҳон тажрибаларини қўллашга имкониятлар берилишини олишимиз мумкин) кўрсатилди.

3-4-давр. Барқарорлаштириш ёки юксалтириш. Бу келгуси даврга тўғри келади.

И.А.Каримов томонидан олға сурилган барча ташкилий, иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий асослар тадбиркорликнинг бош мақсади иқтисодий ёки барқарорлаштириш ва уни келгусида юқори суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган²⁵.

М.М. Абдурахмонова эса мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ривожлантириш жараёнини қуйидаги бешта босқичга бўлиб тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаганлар. Жумладан, I босқич (1990-1995 йй.): бозор муносабатлари тадбиркорлик негизини ташкил этувчи қонунларнинг қабул қилиниши, одамлар онгида бозор муносабатларини шакллантириш ва хусусий мулкка бўлган эгалик муносабатини шакллантириш мақсадида биринчи марта ҳудудларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шахсий ер участкаларининг

²⁵ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. С. Фуломов таҳрири остида Т., "Fan va texnologiya" нашриёти, 2005 й. 10 б.

ажратилиши, хусусий мулк негизда тадбиркорликнинг шакллана бошлаши, Қомусимизда хусусий мулкнинг эътироф қилиниши, барча йўналишларда институционал ўзгаришларнинг амалга оширилиши, ишлаб чиқариш воситаларига, ерга, кўчмас мулкка, тармоқларни бошқаришда давлат монополиясининг бартараф этилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмалари махсус механизмининг ишлаб чиқирилиши, хусусийлаштиришдан тушган барча маблағларни миллий иқтисодиётнинг нодавлат секторини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилиши, уларнинг шаклланиши учун шарт-шароитларни яратилиши билан тавсифланади.

II босқич (1996-2000 йй.): бу босқичда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларга нисбатан белгиланган имтиёзлар таркиби янада кенгайтирилди, давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган мулкни, объектларни сотиб олишда юридик, жисмоний ва хорижий шахсларнинг маблағлари бўйича декларациялаш талаб этилмади ҳамда танлов асосида, хусусий мулкни сотиб олиш имконияти юзага келди. Оилавий асосда ташкил этилган микрофирмаларни ташкил этиш учун уларга миллий, хорижий валютада кредитлар бериш механизми жорий этилди. Республика ҳудудида, халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшма корхоналар устав фондида хорижий сармоя улуши 50% дан ортиқ бўлса, хорижий валютадаги тушумга солиқ солишдан ҳамда мазкур корхона Ўзбекистон Марказий банкида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб, беш йил муддатга мажбурий солиқдан озод қилинди. Ушбу босқичда тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи ва мувофиқлаштириб турувчи марказ «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палата»си ташкил этилиши тадбиркорликни ривожлантириш жараёнига бевосита ижобий таъсир кўрсатди.

III босқич (2001-2003йй.): кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишига тўсқинлик қилувчи барча омиллар, улар

фаолиятига асоссиз равишда аралашаётган, назорат қилаётган, турли баҳоналар билан тўсқинликни вужудга келтираётган бошқарув идоралари, маҳаллий ташкилотларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ишлаб чиқариш йўналишлари кенгайтирилиб, турлари кўпайтирилди, ҳудудларда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш инфратузилмаси фаолиятларига катта эътибор қаратилди²⁶. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи қатор ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди²⁷. Мазкур босқичда ўз фаолиятини амалга оширган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосланмаган харажатлари ва таваккалчиликларини камайтириш, улар фаолиятини, жумладан, ҳудудлардаги ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятини кенгайтиришга, қўшимча инвестицияларни йўналтиришга, фойда миқдорини оширишга катта эътибор қаратилди.

IV босқич (2004-2008 йй.): бу босқичда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига давлат эътибори янада кучайтирилди, жумладан, ишлаб чиқариш соҳаларида самарали фаолият юритаётганларга молиявий, иқтисодий, ҳуқуқий-ташкилий комплекс шарт-шароитлар яратилиши, маҳаллий ҳокимлар ва тадбиркорлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муҳитининг вужудга келиши, жаҳон мамлакатлари ва халқаро молия институтлари тажрибасида донорларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қўллаб-қувватлашга қаратилган халқаро ёрдами, иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлашга кўмаклашувининг ошириб борилиши, 2005 йилдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш тизимида тўпланган тажрибаларга таянган ҳолда, туб ўзгаришлар амалга

²⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида 21.01.2003 йилдаги ПФ-3202-сонли Фармони.

²⁷ Каримов И.А. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида 24.03.2003 йилдаги ПФ -3226-сонли Фармони.

оширилиши, солиқ идораларига тақдим этиладиган ҳисоботлар сони қисқартирилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг солиқ идораларига ташриф буюришлари, молиявий ҳисоботларга ортиқча вақт ва маблағ сарфлашнинг олди олиниши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш иқтисодиётнинг устувор вазифаси сифатида белгиланиши, тадбиркорлик субъектлари ҳисоботларини электрон алоқа воситалари орқали қабул қилиш тизимининг йўлга қўйилиши, ЯИМдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг янада ортиши, иқтисодиёт тармоқлари субъектлари оптимал нисбатининг шаклланиши билан касаначилик асосидаги кооперация, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиши тавсияланади.

V босқич (2009 йилдан – ҳозирги давргача): кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этишдаги жараёнларни такомиллаштириш юзасидан катор чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиши, жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда 2009-2012 йилларга мўлжаллаб «Инқирозга қарши чоралар» дастурининг қабул қилирилиши, солиқ юкининг енгиллаштирилиши, солиққа тортиш тизимининг соддалаштирилиши ва унификация қилирилиши, 2011йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йили, деб эълон қилирилиши ва ривожлантириш Давлат дастури қабул қилирилиши, ушбу дастур йўналишларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг имтиёзли кредит жамғармалари ҳисобидан асосан, олис ҳудудларда ва етиб бориш қийин бўлган қишлоқлардаги, шунингдек, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида, фермер хўжаликларида инновацион, юқори технологияларни қўллаш мақсадида уларни молиялаштириш учун ажратилган кредитлар ҳажмининг оширилиши, тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмининг янада такомиллаштирилиши ва соддалаштирилиши, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши, уларга

ажратилаётган кредитларнинг, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этилиши, модернизация қилиниши ва технологик янгилашга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмининг оширилиши ҳамда кредитлаш жараёнига хорижий банклар ва халқаромолия институтлари кредит линияларининг йилдан-йилга самарали жалб этилаётганлиги билан тавсифланади.»²⁸

Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти маълум ҳуқуқий муҳит асосида олиб борилади. Ҳуқуқий базанинг бир меъёрида юритилмаслиги тадбиркорлик фаоллиги даражасига катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Республикамизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг зарурий меъёрий-ҳуқуқий асоси ва қўллаб-қувватлаш тизими ва бозор инфратузилмаси шакллантирилган бўлса ҳам, уларни доимий равишда такомиллаштириб бориш талаб этилади. «Биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожини учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд меъёрий – ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ва ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор... лекин бу соҳада бажарадиган ишларимиз ҳали кам эмас»²⁹.

Профессор Тошматов Ш.А. кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортилиши ва унинг ривожланиш босқичларига баҳо берар экан, оли томонидан мамлакатимизда дастлаб 1997 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 декабрдаги “1997 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг прогнози тўғрисидаги” 469-сонли Қарори билан “кичик бизнес субъектлари ўз ҳохишига қараб, солиқ солишнинг амалдаги шартларини сақлаб қолишлари ёки янги жорий

²⁸М.М. Абдурахмонова Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати 2012 й. 10 б.

²⁹Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза// Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь. – Б. 3.

этилган ягона солиқни қабул қилишлари мумкин”лиги белгиланганлигини кайд этганлар. . Мазкур қарор орқали кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда илғор қадам қўйилди деб ҳисоблаганлар³⁰

1.3. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари

Солиқ сиёсати амалга ошириш борасида ривожланган давлатларда ижобий тажрибалар тўпланган. Улардаги бу сиёсатнинг изчил амалга оширилиши давлат бюджети даромадларини бир меъёردа барқарор ўсишини, харажатларнинг оқилона сарфланишига олиб келмоқда. Ҳар бир давлатнинг солиқ сиёсатининг ўзига хос томонлари мавжуд.

Хорижий мамлакатларда соддалаштирилган солиққа тортишни қўллашда кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонлари ва солиққа тортиш тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, хусусан Россия Федерациясида мамлакат қонунчилигига асосан ўртача ишчилар сонига қараб аниқланади: саноат ва қурилишда – 200, фан ва илмий хизмат кўрсатишда – 100, бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида – 50, ноишлаб чиқариш тармоқларида – 25, ҳамда чакана савдода 15 кишигача белгиланган.

Америка модели қуйидаги белгилари билан классификацияланади:

- солиқ тизими бўйича солиқ тўловчиларининг тушунишига мураккаблиги, шу сабабдан мамлакатда 50 мингдан ортиқ мустақил ҳолда фаолият юритувчи хусусий солиқ маслаҳатчилари мавжуд бўлиб, шу тизимга доир бўлган муаммоларни ечишга ҳаракат қилмоқда;
- мамлакатнинг солиқ тизими жуда катта бошқарув тизими ва ижрочилик аппаратига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради;

³⁰Ш.А. Тошматов. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари . Монография. –Т.: “Молия”, 2012. –226

- мамлакат солиқ тизимида қатъий марказлаштиришнинг йўқлиги, мамлакат солиқ тизимининг 3 поғоналиги, яъни федерал, штат ва шаҳар солиқларининг мавжудлиги ва ҳар бир ҳокимиятнинг тўлиқ мустақиллиги;
- нақд пул билан ишлайдиган кичик бизнеснинг (савдо расталаридан савдо қилувчилар, кўчадаги савдо, хизматлар ва шуларга ўхшаган фаолият турлари) даромадларини назорат қилишнинг самарали усуллари АҚШда йўлга қўйилмаганлиги;³¹.

Истеъмолга эгри солиқлар тадбиркорлар тўловлари каби солиқларни ундиришнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Охирги йилларда уларнинг ҳиссаси АҚШда 8-9%, Буюк Британияда – 20% дан кўпроқ, Германияда – 18% ни ташкил этди. АҚШда эгри солиқлар штат ва маҳаллий солиқлар гуруҳига киритилади, Буюк Британия ва Германияда умумдавлат солиқлари таркибига киритилади. АҚШда асосий эгри солиқ бўлиб, сотишга солиқ ҳисобланади. Буюк Британия ва Германияда эса товар ва хизматларнинг кенг доирасини қамраб олувчи ва етарлича юқори ставкаларда амал қилувчи - қўшилган қиймат солиғи амал қилади. Қўшилган қиймат солиғи ўзининг афзалликларидан келиб чиқиб, эгри солиқлар ичида муҳим ўринга эга.³²

Жаҳон солиқ сиёсати тажрибасида солиққа тортишнинг қўйидаги йуналишларига катта эътибор берилмоқда:

1. Ҳар хил мулк шаклларига мосланган корхона ва ташкилотларнинг хўжалик юритишига мумкин қадар иқтисодий шароит яратиш, уларни ҳар томонлама бозор муносабатларига кириб боришига ёрдамлашиш;

2. Умумдавлат ижтимоий зарурий вазифаларни бажариш учун давлатни зарур бўлган молиявий манба ва маблағлар билан таъминлашга эришиш;

³¹ Хорижий мамлакатлар солиқ тизими. Ўқув қўлланма. / Н. Р. Кузиева, Т., Тошкент Молия Институтини. 2004 й., 13 б.

³² Хорижий мамлакатлар солиқ тизими. Ўқув қўлланма. / Н. Р. Кузиева, Т., Тошкент Молия Институтини. 2004 й., 9 б.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида янги ижтимоий иқтисодий омилларни ташкил қилишда қатнашиш, ишсизликни бартараф этиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, иқтисодий ночорларга ёрдам бериш.

4. Аҳоли турмуш даражасини зарурий меъёрларда сақлаб туриш имконини излаш ва таъминлаш.

Ҳозирги кунда ЕИҒа аъзо мамлакатларнинг якуний натижалари тўғрисида гапиришга эрта бўлсада, иқтисодий иттифокқа хос бир қатор ижобий аломатлар (аъзо давлатлар ўртасида қонунчилик меъёрларини яратилиши, солиқ тизимини соддалаштирилиши, ишлаб чиқаришда ягона стандартларни жорий этилиши, мувофиқлаштирилган пул сиёсатини ўтказилиши, ягона валюта тизимига ўтилиши ва бошқалар.) кўзга ташланиб турибди³³

Солиқлардан комплекс фойдаланиш халқ хўжалиги тармоқларини қайта қуришга, ишлаб чиқариш инфраструктурасини яратишга, бозор субъеклари ва аҳолини товар сотиб олиш қобилиятини бошқариб туриш ва пулнинг қадрсизланишини (инфляциясини) жиловлаб туришга имкон беради. Пулнинг қадрсизланишига қарши чоралар кўриш солиқ ставкалари ёки солиқ юкини камайтириш орқали, ишлаб топилган ва давлат бюджети даромадларини ошириш билан амалга оширилади. Англияда кичик бизнесни солиққа тортиш тартиби ўз хусусиятларига эга даромадлар ва харажатлар ёзуви улар қайси давр таалуқчилигидан қатъи назар, фақат ҳақиқатдаги тушум ва тўловга кура амалга оширилади. Ушбу малакатда кичик фирмалар бинолар ва ускуналарга берилган дастлабки 50 минг фунт стерлинг инвестициялардан солиқ тулашдан озод қилинган. Кичик корхоналар учун корхоналарга шунингдек, улар қолақ ҳудудларига кўчиб утаётганларида фойда солиғидан имтиёзлар берилади.

Италияда кичик бизнес солиқлар тўлашдан озод бўлиш ҳисобига йилига 100 миллиард лирага яқин фойда кўради. Кичик корхоналар илғор технологияларни харид қилиш харажатларининг 25 фоизигача солиқ

³³ Назарова Г.Ғ. Носирова К.А. Ҳалқаро иқтисодий интеграция Ўқув қўлланма ТДИУ. Т.: 2012 15 б.

имтиёзларидан фойдаланиладилар. Илмий тадқиқот ишлари харажатларининг 30 фоизи солиқ тўлашдан озод қилинади. Маҳсулот сифатини оширишга доир солиқ тўловлари ва харажатлари камайтирилади. Ушбу мамлакат жанубида янги ташкил этилган кичик саноат корхоналари 10 йил давомида даромад ва маҳаллий даромад солиқларини туламайдилар. Жанубий туманларга реинвестиция қилинувчи ҳар қандай фойда солиғидан озод қилинган.

Солиқ қонунчилиги хорижий амалиётидаги барча замонвий тамойилларни ҳисобга шаклланган Ўзбекистонда аввал бошиданоқ кичик хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирувчи кенг имкониятлар кўзда тутилган эди. Чунончи, янги ташкил этилган деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашдан, халқ истеъмоли товарлари, бинокорлик товарлари (материаллари) ишлаб чиқаришдан олган даромадлари бўйича руҳатдан ўтган вақтдан эътиборан дастлабки икки йил муддатга даромад солиғини тўлашдан озод қилинадилар. (солиқ кодекси, 32 моддасининг бириинчи қисми). Булардан ташқари мамлакатимизда кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини жорий қилинганлиги ва бошқа бир қатор солиқ турлари учун ҳам имтиёзларни қўлланилиши солиққа тортишнинг жаҳон амалиёти тамойилларидан кенг фойдаланаётганлигидан далолат беради. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фойда солиғи бўйича имтиёзлар қисқартирилиши давлатнинг иқтисодиётининг у ёки бу секторига таъсирини пасайтиради. Бу ҳолатда устунлик бозор кучларининг муносабатларига ўтади. Назарий жиҳатдан бундай ёндашув солиққа тортишнинг бетарафлик принципи билан боғланганлигини кўрсатади.

Демак, хорижий мамлакатларда қўлланиладиган солиқ юкларини изоҳловчи статистик маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, уларнинг кўпчилигида ЯИМ га нисбатан солиқ тўловчиларининг даражаси 30-45 % ни ташкил этар экан. Шу билан бирга охириги йилларда бир қатор

ривожланган давлатлар иқтисодиётида солиқ юкининг камайиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Хорижий мамлакатларда амалга оширилаётган солиқ соҳасидаги ислохотлар амалиёти шундан далолат берадики, солиқ юкини камайтиришга қаратилган чора тадбирларнинг амалга оширилиши дастлабки босқичда бюджет даромадларининг камайишига олиб келади. Кейинчалик эса, ушбу чора тадбирлар натижасида иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашуви ҳамда корхоналар ва аҳоли томонидан даромадларнинг яширин ҳолатдан чиқарилиб, қонунийлаштирилиши ҳисобига давлат бюджети тушумларининг қисман тикланиши юз беради.

Шу ўринда ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватлаш “Кичик тадбиркорликни қўллаб қувватлашнинг Давлат Дастури” асосида амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида кичик тадбиркорликни қўллаб қувватлашнинг инфраструктурасини ташкил этишни талаб этади. Масалан АҚШда кичик бизнес субъектларининг ютуқларига эришишда АҚШнинг кичик бизнес ишлари бўйича АҚШ конгресси органлари, савдо вазирлиги, савдо-саноат палатаси, банклар , давлат фондлари ва бошқа бир қатор ташкилотлар муҳим аҳамият касб этади.

1.3-жадвал

Ривожланган мамлакатларда кичик, ўрта ва йирик бизнес корхоналарида саноат маҳсулотлари ҳажмининг тақсимланиши (жамига нисбатан (фоизларда))³⁴

Кўрсаткичлар	АҚШ			Франция			Япония		
	Йирик	ўрта	кичик	Йирик	ўрта	кичик	Йирик	ўрта	кичик
Корхоналарнинг умумий сони	0,5	7,9	91,6	0,1	1,5	98,4	1,4	21,6	77,0
Саноат маҳсулотлари ҳажмида	35,0	28,4	36,6	42,1	19,1	38,8	34,4	30,1	35,4

³⁴Ш.А. Тошматов. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари . Монография. –Т.: “Молия”, 2012. –95б

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, АҚШда кичик корхоналар сони 91,6 фоизни, Францияда 98,4 фоизни, Японияда эса, 77,0 фоизни ташкил этган. АҚШда саноат маҳсулотлари ҳажмининг 36,6 фоизи, Францияда 38,8 фоизи, Японияда эса 35,4 фоизи кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

1.4-жадвал

Энг қулай солиқ тизими жорий этилган мамлакатлар³⁵

Т.р.	Мамлакат	Жами солиқлар сони	Солиқ тўлашга сарфланадиган вақт (бир йилга соатда)	Умумий солиқ ставкаси (барча солиқларнинг ставкаси йиғиндиси)
1.	Мальдив Республикаси	1	0,5	9.1
2.	Қатар	1	36	11.3
3.	Гонконг	4	80	24.2
4.	БАА	14	12	14.4
5.	Сингапур	5	84	27.9
6.	Ирландия	9	76	28.8
7.	Саудия Арабистони	14	79	14.5
8.	Уммон	14	62	21.6
9.	Қувайт	14	118	14.4
10.	Кирибати Республикаси	7	120	31.8

Дунё мамлакатлари бўйича солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг қулай шароитларини яратилганлиги жиҳатида таҳлил қилинадиган бўлсак, ҳар доим ҳам ривожланган давлатлар юқори ўрин эгалламаслигини қайд этишимиз мумкин. Албатта ҳар қандай давлат ўзининг иқтисодий ҳолати солиқ юкини камайтириш орқали мамлакатда инвестицион муҳитни яратилишини келтиришимиз мумкин. Бу борада профессор Ш. Тошматов

³⁵Ш.А. Тошматов. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат боқаруви академияси. Жамият ва бошқарув журналі. 1-сон. Т.: 2013.68 бет

фикр билдириб ўтиб, қуйида келтирилган жадвал асосида ўз фикр мулоҳазаларини билдирганлар. Бунда муаллиф томонидан Мальдив Республикасида энг қулай солиққа тортиш тизими жорий этилганлигини қайд этганлар

Ушбу давлатда бор йўғи битта солиқ тури жорий этилганлиги ва унинг тавкаси 9.1 фоизни ташкил эташи ҳамда солиқни ҳисоблаш ва тўлашга ярим соат кетиши қайд этилган. Қатар давлатида ҳам битта солиқ амал қилиши, аммо бу давлатда солиқларни расмийлаштириш ва уни тўлашга 36 соат вақт сарфланиши кўрсатиб ўтилган. Кейинги ўринни эгаллаётган давлатлар қаторига Хитой билан Гонконг киритилиб, улар ўртасидаги асосий тавофутларнинг сабаб солиқ тизимига оид қонунлар кам солиқ тўлашга асосланган молиявий марказмақомини олишга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилган.

1.5- жадвал

**Европа комиссиясининг тавсиясига кўра микро, кичик ва ўрта
корхоналарни аниқлаш мезонлари³⁶**

Мезонлар	Микро	Кичик	Ўрта
Ишловчилар сони	9 кишигача	49 кишигача	249 кишигача
Йиллик обороти	2 млн. евро	10 млн. евро	50 млн. евро
Баланс миқдори			43 млн. евро
Мустақиллиги	Бир ёки бир неча компанияларга 25 фоиздан ошiq бўлмаган капитал ёхуд овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар тегишли		

Шу билан биргаликда муаллиф ўз монографияларида кичик бизнес субъектларига нисбатан содда ва қулай солиққа тортиш тизими қўлланилиши таъкидлаб, ханузгача дунёда кичик бизнес субъектларини аниқлашнинг ягона мезони ишлаб чиқилмаганлиги ва ҳар бир мамлакат

³⁶Европа. Журнал. Специальный выпуск. 2004. № 8. С 11

Ўзига хос мезон ишлаб чиқилганлигини қайд этиб 2005 йилдан бошлаб Европа комиссияси томонидан таклиф этилаётган микро, кичик ва ўрта корхоналарнинг мезонларини қуйидаги жадвалда кўрсатиб ўтганлар.

Бунга кўра микро корхоналарда 9 кишигача, кичик корхоналарда 49 кишигача ва ўрта корхоналарда 249 кишигача мезон аниқланганлиги кўрсатиб ўтганлар.

Шунингдек, профессор Ш.А. Тошматов ўз монографияларида ривожланган давлатларни ўзида жамланган халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотларида жуда кичкина корхоналарни (микрофирма) аниқлашда 19 кишигача ишчилари бўлганлар тадбиркорлик субъектларига киритилади, 20 дан 99 кишигача ишловчилари бўлганлар – кичик корхоналарга, 100 дан 499 кишигача бўлганлар- ўрта корхоналарга, 500 кишидан кўп ишловчиларга эга бўлганлар – йирик корхоналарга киритилади.

Муаллиф фикрига кўра кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлашда бир неча мезонларда фойдаланиш ўзининг юқори самарасини беришини қайд этиб, бунинг сабаби сифатида “...чунки ҳар қандай тадбиркор кўпроқ фойда олишга, уни максималлаштиришга интилади, солиқ ҳам ҳаражат элементи бўлгани учун уни минималлаштиришга ҳаракат қилади. Лекин микрофирмалар ва кичик корхоналар учун тадбиқ этилган мезонларнинг бир томонлама характерга эга эканлиги туфайли ишловчилар расмий равишда ишга қабул қилинмасдан, нақд орқали савдо қилиш имкониятига эга бўлган корхоналар иш ҳақини бухгалтерияда акс эттирмаган нақд пул тушуми ҳисобидан бериш орқали хуфёна иқтисодиётда пул оқимини кўпайишига туртки бўлмоқда. Микро фирмалар ва кичик корхоналар учун тадбиқ этилган мезонлар доирасининг кенгайтирилиши мазкур муаммони ҳал этишда ижобий натижаларни бериши мумкин”³⁷

³⁷Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли. Монография. –Тошкент. Fan va tehnologiya. – 2008. –134 б.

Шунингдек, муаллифлар А.Колесников, Л.Колесниковлар кичик бизнес субъектларини аниқлашда нофақат миқдор кўрсаткичларидан, балки сифат кўрсаткичларидан фойдаланишни таклиф этган тадқиқотчилар кўпчиликини ташкил этиши кўрсатиб, Ван Хорн кўп йиллик амалий фаолияти ва тажрибаси асосида миқдор кўрсаткичи сифатида кичик корхоналарда ишловчилар сонини 50 кишигача ва товар айланмасини 1 млн. фунт стерлингача бўлган корхоналарни кичик корхоналар тоифасига киритилишини таклиф этади ҳамда қуйидаги жадвалда сифат кўрсаткичларини баҳолашда шартли равишда қиёсий мезон сифатида бешта кўрсаткичларни, яъни мақсад, бошқариш, махсулот, шахс ва молия кўрсаткичларини келтириб, тадбиркорлик субъектларини тўртда – кичик бизнес, кичик ўрта бизнес, ўрта йирик бизнес ва йирик бизнес гуруҳларига ажратган ҳолда сифат кўрсаткичларини баён этганлар³⁸.

Шунингдек, республикамызда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги тараққиёт дастури ҳомийлигида амалга оширилган тадқиқотда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини товар айланмасига мос равишда солиқ ҳисоботини тузиш ва маъмурчилиги учун сарфлайдиган йиллик харажатлари миқдори таҳлил этилиб, унга биноан Ўзбекистонда 5 миллион сўмдан кам тушумга эга бўлган корхоналарга 15.6%, 5 миллион сўмдан 50 миллион сўмгача тушумга эга бўлган корхоналарга 2.1% миқдорида, 50 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача тушумга эга бўлган корхоналарга 0,8% миқдорида, 100 миллион сўмдан 1 миллиард сўмгача тушумга эга бўлган корхоналарга 0.3% миқдорида ва 1 миллиард сўмдан юқори тушумга эга бўлган корхоналарга 0.1% миқдорида солиқ маъмурчилиги ва ҳисоботларни амалга ошириш учун сафланиши қайд этганлар³⁹

³⁸ Колесников А., Колесников Л. Малый и средний бизнес: эволюция понятий и проблема определения// Вопросы экономики. 1996. №7. С.53

³⁹ Ўзбекистон тадбиркорлик субъектларининг солиқ маъмуриятчилиги ва ҳисоботларга доир харажатлар. 2010 й. Халқаро молия корпорацияси. 10- б

Халқаро солиққа тортиш амалиётида кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш бўйича икки хил асосий мавжуд⁴⁰:

1. Стандарт миллий солиққа тортиш тизимини сақлаган ҳолда, кичик бизнес субъектлари учун асосий солиқ турлари (асосан фойда солиғи, баъзан ҚҚС) бўйича солиқ имтиёзларини жорий қилиш;
2. Кичик бизнес субъектлари учун солиққа тортишнинг махсус режимларини жорий қилиш.

Мазкур параграф якунида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда уларнинг миқдори ва сифат кўрсаткичларини белгилашда давлат ўзларининг иқтисодий ижтимоий ва демографик каби турли омилларга ёндашган ҳолда иш юритишларини кўрдик ҳамда мамлакатимизда бу соҳани ривожланиши учун барча шарт шароитлар яратилгандир.

Мамлакатимизда солиққа тортиш нуқтаи назаридан кичик бизнес субъектлари учун қўлай шароит яратилган. Махсус солиқ режимлари кичик корхоналарини асосий солиқ турларини тўлашдан озод қилиб айрим мамлакатлар кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш амалиётида айрим илғор жиҳатлари мавжудки, фикримизча уларни республикаимизда солиқ амалиётида қўллаш ижобий натижа беради. Булар қўйидагилардан иборат:

- Сингапурда мамлакат ичида яратилган янги компаниялар учун 3 йил муддатда биринчи 100000 Сингапур \$ миқдоридаги даромадларнинг солиқдан озод этиш тизими жорий этилган. Кейинги 200000 Сингапур \$ миқдоридаги даромадининг 50 % солиққа тортилади. Бу турдаги солиқ имтиёзига эга бўлиш учун корхона қўйидаги шартларга жавоб бериши шарт:

- корхона Сингапурда рўйхатдан ўтган бўлиши
- корхона таъсисчилари 20 тадан ортиқ бўлмаслиги

⁴⁰Ш.А. Тошматов. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари . Монография. –Т.: “Молия”, 2012. –1076

-барча акциядорлар жисмоний шахслар бўлиши ёки акциядорлардан бири жисмоний шахс бўлиб унинг улуши 10% дан кам бўлмаслиги лозим. Агар корхона янгидан ташкил этилган бўлиб юқоридаги шартларига жавоб бермаса, бундай ҳолатда ушбу корхонага нисбатан солиқдан қисман озод этиш тартиби жорий этилган.

Агар биз солиққа тортиш амалиётининг хорижий тажрибаларига назар ташлайдиган бўлсак, аксарият мамлакатларда бизнес субъектлари, уларнинг мақомидан келиб чиқиб корпорация солиғи (корпорация, яъни юридик шахс бўлса) ёки даромад солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан банд жисмоний шахс бўлса) тўлашади. Бир пайтнинг ўзида, уларнинг бошқа объектларига ҳам солиқлар солинади. Масалан, кўчмас мулк солиғи, айрим мамлакатларда ер солиғи, ижтимоий тўлов, шунингдек умумий (ҚҚС) ва махсус (акцизлар) истеъмол солиқлари барча учун одатий солиқлар бўлиб ҳисобланади.

Келтирилган мулоҳазалардан шундай умумий хулосага келиш мумкинки, соддалаштирилган солиққа тортишнинг амалдаги тизимини миллий иқтисодиётимизни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ҳозирги ҳамда бундан кейинги босқичлари талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш зарурати мавжуд. Бу эса, соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини бир неча асрлардан буён амалиётда кенг фойдаланиб келаётган ва синовдан муваффақиятли ўтган илғор хорижий моделлари асосида қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар жараёнида 1 боб бўйича хулоса қиладиган бўлсак, аввало мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиш хусусиятларидан бири давлатнинг иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчиси қилиб белгиланганлигидир. Иқтисодиётимизнинг глобаллашуви ва интеграциялашуви даврида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда бир қатор иқтисодий ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этди.

Иқтисодийни модернизациялашуви шароитида солиқ сиёсатининг барқарорлигини таъминлаш уни такомиллаштириш, иқтисодийни барқарорлаштириш ва кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Хукуматимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар асосида корхоналарни, жумладан тадбиркорларимиз томонидан республикамиз учун зарур бўлган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантириши ҳам керак.

I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАРНИНГ МАЗМУНИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг амалга оширилиши натижасида бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдек вазифанинг бажарилиши принципиал аҳамиятга эгадир. Бу вазифанинг бажарилиши давлат молиявий ахволининг мустаҳкамлигидан далолат беради, давлат зиммасига юкланган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишига молиявий замин яратади, бюджет соҳасини узлуксиз молиялаштиришда муаммолар пайдо бўлмайди, давлат ўзининг функцияларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариш имконига эга бўлади ва аксинча, оқилона солиқ сиёсатини амалга ошириш натижасида бюджет даромадларининг барқарор сафарбарлигини таъминлаш вазифасининг бажарилмаслиги жуда ёмон оқибатларига олиб келиши мумкинлиги шундоқ ҳам аёндыр.

Иккинчи томондан, солиқ сиёсати тадбиркорларимизни республикамиз учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантириши ҳам керак. Бу эрда гап солиқ сиёсати тактикасини амалга ошириш натижасида, энг аввало, республикамиз ички бозорининг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга хизмат қилиши керак. Ундан ташқари, солиқ сиёсати стратегияси умумий тарзда корхоналарни маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантирмасдан, балки

уларни республикамиз учун зарур бўлган ёки республикамиздаги талабга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантириши керак.

Бизнинг назаримизда олимларимизнинг тадбиркорлик жараёнларининг ривожланиш босқичларига берган фикрларига қўшилган ҳолда ҳар бил муаллиф иқтисодий ислохотларнинг ҳамда қўйилган масаланинг у ёки бу ҳолатига баҳо берган ҳолда ёндашган.

Жаҳон солиқ сиёсати тажрибасида солиққа тортишнинг қўйидаги йуналишларига катта эътибор берилмоқда:

1. Ҳар хил мулк шаклларига мосланган корхона ва ташкилотларнинг ҳўжалик юритишига мумкин қадар иқтисодий шароит яратиш, уларни ҳар томонлама бозор муносабатларига кириб боришига ёрдамлашиш;

2. Умумдавлат ижтимоий зарурий вазифаларни бажариш учун давлатни зарур бўлган молиявий манба ва маблағлар билан таъминлашга эришиш;

3. Бозор иқтисодиёти шароитида янги ижтимоий иқтисодий омилларни ташкил қилишда қатнашиш, ишсизликни бартараф этиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, иқтисодий ночорларга ёрдам бериш.

4. Аҳоли турмуш даражасини зарурий меъёрларда сақлаб туриш имконини излаш ва таъминлаш.

II–БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ СОЛИКЛАР ОРҚАЛИ РАЎБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4453-сон Фармонларининг қабул қилиниши мамлакатимизнинг барча бизнес субъектлари учун фаолиятлари кўламини кенгайтириш имкониятларини яратиб бермоқда. Лекин сўнгги йилларда амалдаги солиққа тортишнинг соддалаштирилган усули ўзининг ижобий томонлари билан бирга меъёрий миқдорларнинг киритилаётганлиги билан кўпгина муаммоли томонларини ҳам номоён этмоқда. Маълумки, мамлакатимизда 2010 йилдан бошлаб ягона солиқ тўловини белгиланган ставкалар асосида, бироқ маълум бир фаолият турлари бўйича ўрнатилган меъёрий миқдорларидан кам бўлмаган миқдорда солиқларни ҳисоблаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг тадбиқ этишнинг ҳуқуқий асослари қуйидагилардан иборат:

➤ Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун Ўзбекистон Республикаси **Солиқ кодексининг** 28-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим турдаги солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқаришда уларнинг тўланиши лозим бўлган энг кам миқдори белгилаб қўйилган.

➤ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 23 февралда рўйхатдан ўтказилган (рўйхат рақами 2200) Низомга асосан 2011 йилнинг 1 январидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаси корхоналари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари белгиланган. Давлат солиқ хизмати органларига иш берувчилар томонидан тасдиқланган меъёрларига риоя қилмаган ҳолларда ходимлар сони ва меҳнат ҳақи фондининг тасдиқланган

энг кам меъёрларидан келиб чикиб ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг суғурта бадаллари ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қўшимча ҳисоблаш ҳуқуқи берилган.

➤ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 3 мартда рўйхатдан ўтказилган (рўйхат рақами 2203) Низомга асосан 2011 йилнинг 1 июлидан ЯСТчи микрофирма ва кичик корхоналар тўлайдиган ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори, улар эгаллаб турган майдондан ҳисоблаб чиқарилган ер солиғи суммасининг уч карра миқдоридан кам бўлмаслиги бўйича меъёр татбиқ этилиши белгилаб қўйилган.

➤ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилган (рўйхат рақами 2449) Низомга асосан 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб чакана савдо корхоналари ЯСТни конун ҳужжатларига мувофиқ, лекин айнан шундай фаолият турини амалга ошираётган яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўланиши белгилаб қўйилган.

Қабул қилинган меъёрий миқдорларни ўзига хослигига қараб уларни қўйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин (1-жадвал).

Қуйидаги жадвалда келтирилган меъёрий миқдорларнинг иккитаси ягона солиқ тўловига ва фақат биттаси ягона ижтимоий тўловга тегишлидир. Бундай меъёрий миқдорлар аввал бошданок тадбиркорлик субъектларининг солиқлардан қочиш орқали хуфиёна иқтисодиётни кучайтириб юборишига қарши чоралар сифатида қабул қилинган. Лекин меъёрий миқдорларни амалиётда қўлланишида айрим муаммоларнинг

2.1.-жадвал

Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишдаги меъёрий миқдорлар⁴¹

Хужжат рақами ва санаси	Энг кам меъёрлар тадбиқ қилинадиган солиқ тўловлар	Солиқ тури	Қўлланиладиган меъёрий миқдорларнинг хусусиятлари
№2449 04.04.2013	Чакана савдо корхоналари	Ягона солиқ тўлови	Ягона солиқ тўлови миқдори айнан шундай фаолият билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаслиги лозим
№2203 03.03.2011	ЯСТ тўловчи корхонлар (чакана савдо ва оилавий корхоналардан ташқари)	Ягона солиқ тўлови	Эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг уч бараваридан кам бўлмаган миқдорда
№2200 23.02.2011	Чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотлари	Ягона ижтимоий тўлов, суғурта бадали, даромад солиғи	Корхоналарнинг фаолият турига мос равишда Низомда белгиланган меъёр бўйича ҳисоблаб чиқилади

мавжудлиги, ушбу ҳолат юзасидан мамлакатимизнинг солиқ тизимида меъёрий миқдорларнинг ягона солиқ тўлови ва бошқа соддалаштирилган тартибдаги солиқлар учун фойдаланишнинг самарадорлиги ҳусусида жиддий ўйлаб кўриш долзарблигини белгилаб беради. Шу билан биргаликда ушбу меъёрларнинг солиқ амалиётида кутилаётган самарани бермаётганлиги мазкур йўналишда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар борлигидан далolat беради.

⁴¹ Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Меъёрий миқдорларнинг моҳиятидан келиб чиқиб уларни нима мақсадга қаратилганини таҳлил қилсак, қуйидаги фикрларга келишимиз мумкин:

– солиқлардан қочмоқчи бўлган солиқ тўловчилардан солиқ суммасининг меъёрий миқдорини давлат бюджетига ундириш кўзда тутилган;

– меъёрий миқдорларнинг якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўлайдиган қатъий солиқ миқдориغا боғлаб қўйилганлиги;

–меъёрий миқдорларнинг бевосита фаолиятига боғлиқ бўлмаган ёки даромад олишда фойдаланилмаётган объектга қаратилганлиги (масалан, эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг уч бараваридан кам бўлмаган миқдордаги меъёрий миқдор)

Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб кучга кирди. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралидаги «Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ҳамда 1995 йил 21 декабрдаги “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонунлар асосида иш олиб борилди. Кейинчалик 1999 йили Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлаш Давлат Дастури қабул қилиниб, бу дастур доирасида мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламларини бозор шароитига мос кўникмаларини шакллантириш, уларда тадбиркорлик, хусусий бизнес билан шуғулланишлари учун барча шарт шароитлар яратилиб уларда бу фаолият доирасида барча кўникмаларга эга бўлиш учун имкониятлар яратилди.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан кейин миллий иқтисодиётни мутаҳкамлаш, уни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида дадил одимлади. Республикаимиз Президенти мамлакатимиз обрў-эътиборини халқаро миқёсга кўтариш, чет эл инвестициясига кенг йўл очиш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида катта ишларни амалга

оширмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида кўпгина муаммоларни биринчи марта ҳал этишга тўғри келмоқда. Кейинги йилларда қабул қилинган қарор ва фармонлар бунга яққол мисол бўла олади. Кичик бизнес фаолиятини яратиш ва ривожлантириш қуйидаги асосий норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори; 1994 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Фармони; 1995 йил 21 декабрдаги “Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни; 1995 йил 5 январдаги “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармон; “Кичик ва ўртача тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида”ги 1997 йил 31 январдаги Фармони; “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатишнинг баъзи чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги Фармони; Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори ва бошқа қонуний ҳужжатлар.

Тадбиркорликка, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорликка бағишланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистонда етарлича миқдорда қабул қилинган. Жумладан, 2000 йил 25 майда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Қонунларнинг кўпчилигида хусусий ва кичик бизнеснинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, чоралари, шарт-шароитлари, шакллари акс эттирилган.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди⁴².

Биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожини учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор.

Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш. Маълумки, охириги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиш учун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинди ва қилинмоқда. Айни пайтда кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам қўшимча чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш даркор.

Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар яратиш.

Тўртинчидан, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга

⁴² Мамлакатни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш - тараққиётимизнинг муҳим омилidir. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.

мўлжалланган кредит бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Бешинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратиш лозим.

Олтинчидан, саноат соҳасида юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш зарур.

Кичик ва хусусий корхоналарни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказишнинг умумий шартлари ва принциплари корхона тўғрисидаги, кичик ва хусусий корхоналарни рағбатлантириш тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2001 йил 22 августдаги Қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

Шу ўринда Сизнинг эътиборингизни қуйидаги жадвалга қаратмоқчимиз (2.2.-жадвал)

Агарда республикамызда 2011 иқтисодиёт тармоқлари бўйича рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасида фаолият юритаётган корхоналар бўйича фикр юритадиган бўлсак, 2011 йили республикамызда 246441та рўйхатга олинган бўлса, 2013 йилга келиб улар 213443 тани ташкил этган ва иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида, жумладан, 2013 йил бўйича саноат43704та ,

қурилиш 22354 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 19948 та, савдо ва умумий овкатланиш 74669 та ва бошқа тармоқларда фаолият юритаётганликларини кузатишимиз. Аммо 2011 йилга нисбатан бунда пасайиш тенденцияси кузатилаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу доирадаги ўз фикр мулоҳазаларимизни келгуси параграфларда алоҳида тўхталмоқчимиз.

2.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик
(бизнес) субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича сони
тўғрисида маълумот⁴³**

Тармоқлар	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Ўзбекистон Республикаси	246 441	206 589	213 643
шу жумладан тармоқлар:			
Саноат	38 501	40 135	43 704
Қурилиш	21 613	21 492	22 354
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	59 795	19 281	19 948
Транспорт ва алоқа	9 651	9 595	9 798
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	20 049	21 435	22 312
Савдо ва умумий овкатланиш	76 468	74 775	74 669
Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш тури	3 932	3 937	3 852
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот	458	249	254
Таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	1 893	2 146	2 220
Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	1 041	1 342	1 690

Бозор иқтисодиёти шаротида ҳар қандай давлатнинг тараққиётини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирмасдан амалга оширишнинг умуман имкони йўқ. Шу боис, айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий тараққиётнинг локомотиви сифатидаги аҳамияти тобора юксалиб бораётганида. Иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2011 йил


⁴³Жадвал Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг ташаббуси билан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинганлиги ҳам бу борадаги мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги ҳамда ҳозирги кунда у ўзининг ижобий самарасини бераётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш борасида қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор йўналишларда иш юритилмоқда:

- ⇒ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш;
- ⇒ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- ⇒ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш;
- ⇒ Солиқ имтиёзлари бериш;
- ⇒ Соддалаштирилган солиққа тортиш тизими;
- ⇒ Имтиёзли кредитлаш;
- ⇒ Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини соддалаштириш;
- ⇒ Солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини давлат солиқ ва статистика органларига тақдим этиш даврийлиги ва муддатларини қисқартириш;
- ⇒ Солиқ текширувлари ва бошқа текширувларни даврийлигини қисқартириш борасида кўрилган чора-тадбирлар шулар сирасига киради.

Бу борада Сурхондарё вилояти бўйича хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун барча шарт шароитлар яратилган бўлиб, агарда 2009 йили рўйхатга олинган юридик шахслар сони 34789 тани ташкил этган бўлса, 2013 келиб бу кўрсаткич 50727 тани ташкил этган бу кўрсаткич мунтазам равишда ўсиш даражасида бораётганлигини қайд этишимиз мумкин.



2.1 расм. Сурхондарё вилоятида юридик шахслар бўйича статистик маълумот⁴⁴

Бизнинг назаримизда бу кўрсаткич асосида мамлакатимиз давлат бюджетига мазкур хўжалик юритувчи субъектларимиз томонидан тегишли солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаётганликлари ёки уларнинг молиявий иқтисодий аҳволи тадқиқот ишимизнинг келгуси параграфларида алоҳида тўхталамиз.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ўзига хос хусусиятлар ва муаммоларга эга бўлиб, уларнинг ечимини топиш ҳам назарий, ҳам услубий, ҳам амалий ёндашувни талаб қилади. Ушбу жараён савдо соҳасига ҳам тўлиқ тегишлидир.

Шу нуқтаи назардан ҳозирги даврда, республикаимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шаклланаётган бир пайтда глобал молиявий-иқтисодий инқироз кўп давлатларни қамраб олиб, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Инқироздан кейинги даврда ҳам савдонинг ташкилий-иқтисодий масалаларининг замонавий бозор механизми тамойилларини ишлаб чиқиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

⁴⁴ Жадвал Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси молиявий ва статистик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Бугунги кунда жаҳон миқёсида иқтисодий тараққиётнинг кун сайин илгарилаб бораётганлиги, дунёнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рақобатнинг ўта кучайиб бораётганлиги сингари омиллар бизга юксак даражада тараққиётга эришган мамлакатлар тажрибасига таяниш, уларнинг ютуқларидан фойдаланиш, улар билан ҳамкорликни кучайтириш кабилар билан бир қаторда, мамлакатимизда ҳам бозор муносабатларининг энг муҳим институтларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни, улар фаолиятида пайдо бўладиган тўсиқларга барҳам беришни тақозо қилмоқда. Зеро, бу соҳага мамлакатимиз раҳбарияти томонидан мустақил тараққиётнинг илк кунларидан бошлаб алоҳида эътибор қаратилди ва бугунги кунга келиб мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши салмоқли ҳиссани ташкил қилаётганлиги бошланган ишларнинг натижасини намоён қилиб турибди. Бу борада мамлакатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 19 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришини энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида баён қилинган “2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кенг кўламли ишлар олиб борилиши 2011 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес улуши 2010 йилдаги 52,5 фоиз ўрнига 54 фоизгача кўпайишига кўмаклашди” дея алоҳида таъкидлаган эди.

2.2. Тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришда меъёрий миқдорларни қўллаш механизми таҳлили

Бугунги кунда Ўзбекистонда солиққа тортиш нуқтаи-назаридан кичик бизнес мақомини фақатгина унда банд бўлганлар сонига қараб белгиланмоқда. Ҳозирги пайтда 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадабиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунда кўзда тутилган кичик тадабиркорлик субъектлари мезонлари бунга асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу мезон бўйича талабга жавоб берадиган кичик корхоналар ва микрофирмалар солиқ қонунчилигига мувофиқ ихтиёрий равишда соддалаштирилган солиққа тортиш тартибига ўтишлари мумкин. Соддалаштирилган солиққа тортиш тартибига ўтган кичик тадабиркорлик субъектлари бир нечта солиқ ва мажбурий тўловлар ўрнига ягона солиқ тўловини тўлайдилар.

2.2-жадвал

2008 – 2012 йилларда рўйхатга олинган кичик бизнес (юридик шахслар) кичик корхона ва микрофирмаларнинг ва уларда банд бўлганлар сони⁴⁵

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Рўйхатга олинган Кичик бизнес (юридик шахслар) (бирлик)	210207	224232	231717	246441	248580
Хўжалик субъектларида банд бўлганлар сони (минг киши)	8024,1	8402,3	8639,3	8913,5	9252,9

Келтирилган -жадвал маълумотлари кўрсатишича, республикада микрофирма ва кичик корхоналари бўйича келтирилган иқтисодий кўрсаткичларнинг деярли барчаси йилдан-йилга ўсиб борган. Микрофирма ва кичик корхоналарда барча иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишининг муҳим сабабларидан бири кичик бизнесга мамлакатимизда кенг эътибор берилаётгани, жумладан давлат томонидан ушбу соҳани қўллаб-

⁴⁵Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти

қувватланаётганлигида солиқ имтиёзларидан муваффақиятли фойдаланилаётганлигидадир. Жумладан, 2012 йил учун саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз қилиб белгиланди. Албатта юқорида келтирилган кичик корхоналарни солиққа тортиш тизимларида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, бугунги кунда солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш талаб қилинадиган жиҳатлари ҳам учраб турибди.

Ягона солиқ тўлови тўловчилар учун ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғига ўтиш тартиби республикамизда 2006 йилнинг 1 январидан бошлаб жорий этилди. Бунга қадар кичик бизнес субъектлари соддалаштирилган тартибда солиқ тўлаганда, уларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини тўлаш тартиби татбиқ этилмас эди. Шу жойда савол келиб чиқади, кичик бизнес субъектлари учун ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғига ўтишдан қандай фойда бор? ҚҚСдан имтиёз берилган ёки уни тўламайдиган кичик бизнес субъекти, маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфлангани моддий харажатлар бўйича тўланган ҚҚС суммасин таннарх ва муомала харажатларига киритиши шарт. Бу тартиб ушбу ҳолатда кичик бизнес субъектлар фойдасининг камайишига, таннархга ва муомала харажатларига ўтказилган ҚҚС миқдорига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда давлатнинг қафолатлари ва ёрдами туфайли иқтисодиётда катта имкониятларни ишга солиш мумкин. Мамлакатимизда ягона солиқнинг жорий этилиши, кичик бизнесни солиққа тортишни ва унинг ҳисоботини сезиларли даражада соддалаштирди ва унинг ривожланишини рағбатлантиришга қўшимча туртки бўлиб ҳисобланади. Соддалаштирилган солиққа тортиш тизимида солиққа тортиш механизми, ҳисоб ва ҳисоботнинг бир қатор ижобий жиҳатларига эга. Уларга давлат ёрдамини бериш, қафолатлардан ташқари ихчамлаштирилган солиқ тизимига ўтишга ёрдам беришлик уларни ташкил этиш ва молия хўжалик фаолиятини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бунда соддалаштирилган солиқ тизимининг аҳамияти каттадир.

Биринчидан, бозорни тезда товарлар ва хизматлар билан бойитиш имконини беради,

Иккичидан, ишсизликни камайитиш, янги иш ўринлари очишга ёрдам беради,

Учинчидан, улар фаолиятини ташкил қилишни ихчамлаштиради,

Тўртинчидан, солиқ ҳисоблари ва ҳисоботлари сонини камайтиради, солиқ ҳисоблаш ходимлари ишини осонлаштиради, чунки илгариги кўп солиқ ҳисоблари ва далолатномалари ўрнига ягона солиқ тўлайди. Кўп мартали бўнак тўловлар бўлмайди. Демак боқимандалик ҳам бўлмаслиги лозим.

Соддалаштирилган солиқ тўлашга ўтган кичик бизнес субъектлари учун соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилган дастлабки даврда қўйидаги тўловларни тўлаш тартиби сақланиб қолинди:

-Акциз солиғи

-Божхона тўловлари

-Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар.

-Биржа битимлари йиғими

-Махсус товарларни сотиш ҳуқуқини олиш учун лицензия йиғими

-Савдо қилиш ҳуқуқини олиш йиғими.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ёки ягона солиқ тўланишини назарда тутувчи солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилиши мумкин.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими қўйидаги таркибга эга:

1. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови.

2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови.

3. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғи.

4. Алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқ.

5. Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқ.

Сўнгги йилларда республикамызда соддалаштирилган солиққа тортиш тартибини қўллашда бир қанча ўзгаришлар киритилди, бунда меъёрий миқдорларнинг жорий этилишини юз берган туб ўзгаришлар сифатида баҳолаш мумкин.

Мазкур меъёрларнинг жорий этилиш ва қўламининг кенгайиб бориш босқичлари қўйидагилардан иборат:

- мамлакатда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилнинг 29-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджет параметрлари тўғрисида”ги 1024-сонли қарорига асосан ягона солиқ тўлови тўловчилари учун меъёрий миқдорлар қўлланилди. Ушбу қарорга асосан, 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб, хусусийлаштирилган корхоналар-сотилган товарлар ҳажми сўнгги икки чоракда объектив сабабларсиз, ўрнатилган тартибда жорий этилган мулк ва ер солиғининг мўлжалдаги ўн қарра миқдоридан камроқ суммани ташкил этган ягона солиқ тўловчилар солиқ органи билдиришномасига асосан умумбелгиланган солиқ солиш тизимига ўтишни белгиловчи тартиб ўрнатилди.

- 2010 йил 1-июлидан бошлаб ягона солиқ тўловчи чакана савдо корхоналари, микрофирмалар ва хизмат кўрсатиш соҳасининг кичик корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўловининг миқдори худди шундай фаолият турини амалга ошираётган яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлиги белгилаб қўйилди.

- 2011 йилнинг 1 январидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаси корхоналари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари белгиланди. Давлат солиқ хизмати органларига иш берувчилар томонидан белгиланган меъёрларига риоя

қилмаслик ҳолатлари аниқланганда, ходимлар сони ва меҳнат ҳақи фондининг тасдиқланган энг кам меъёрларидан келиб чиқиб ягона ижтимоий тўлов, фуқораларнинг суғўрта бадаллари ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини қўшимча ҳисоблаш ҳуқуқи берилди.

- 2011 йил 1 июлдан ягона солиқ тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар тўлайдиган солиқ тўловининг энг кам миқдори, улар эгаллаб турган майдондан ҳисоблаб чиқарилган ер солиғи суммасининг 3 баравари миқдоридан кам бўлмаслиги бўйича меъёр татбиқ этилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу меъёрларнинг ҳар бирининг қўлланилиши ҳолатларини алоҳида кўриб чиқадиган бўлсак,

Ягона солиқ тўлови тўловчи аввал хусусийлаштирилган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш хусусиятлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилнинг 29-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджет параметрлари тўғрисида”ги 1024-сонли қарорига асосан ягона солиқ тўлови тўловчилари учун меъёрий миқдорлар қўлланилди. Ушбу қарорга асосан, 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб, хусусийлаштирилган корхоналар-сотилган товарлар ҳажми сўнгги икки чоракда объектив сабабларсиз, ўрнатилган тартибда жорий этилган мулк ва ер солиғининг мўлжалдаги ўн қарра миқдоридан камроқ суммани ташкил этган ягона солиқ тўловчилар солиқ органи билдиришномасига асосан умумбелгиланган солиқ солиш тизимида ўтишни белгиловчи тартиб ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси “Аввал хусусийлаштирилган корхоналар ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомини

тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 14 апрелда 1939-сон билан рўйхатдан ўтказилди.

Вақтинчалик низом аввал хусусийлаштирилган корхоналар ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартибини белгилайди ва амалга ошираётган фаолият туридан қатъий назар, ягона солиқ тўловчиси бўлган барча аввал хусусийлаштирилган корхоналар учун татбиқ этилиши белгиланган. Демак мазкур меъёр инвесторлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари бажарилаётган хусусийлаштирилган корхоналар учун татбиқ этилмайди.

Мазкур меъёр 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ бекор қилинди.

Чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловининг энг кам меъёрий миқдорини аниқлаш тартиби:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон “Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини белгиланган ставкаларда, лекин айнан шундай фаолият турини амалга ошираётган яқка тартибдаги тadbиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўлашлари зарурлиги белгилаб қўйилди ва Адлия вазирлигидан 2010 йилнинг 18 августида 2134-рақам билан рўйхатдан ўтказилди. Кейинчалик ушбу низом бекор қилиниб, 2012 йил 25

декабрдаги ПҚ-1887-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига асосан 2013 йил 4 апрелда 2449-рақам билан рўйхатдан ўтказилган Низомга асосан чакана савдо корхоналар учун ягона солиқ тўлови худди шундай фаолият билан шуғулланувчи якка тадбиркорнинг қатъий белгиланган солиғиданкам бўлмаган миқдорда тўлашлари зарурлиги белгилаб қўйилди. Мазкур низом қўйидаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди:

- ҳисобот чораги якунлари бўйича асосий фаолият тури қонун ҳужжатларига мувофиқ фақат юридик шахс шаклида ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектлари томонидан реализация қилинадиган товарларнинг чакана савдоси бўлганларга;

- ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахсларга.

Ягона солиқ тўлови энг кам миқдори солиқ тўловчининг асосий фаолият туридан келиб чиқиб аниқланган якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган ставка бўйича қатъий белгиланган солиқ суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади. Масалан, агар солиқ тўловчининг асосий фаолият тури чакана савдо бўлса, ягона солиқ тўловинининг энг кам миқдори чакана савдони амалга ошрувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб аниқланади. Бир нечта фаолият турини амалга оширувчи корхоналар учун ушбу низом билан белгиланган тартиб, агар ушбу фаолият тури якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлса ва унга тегишли, қатъий белгиланган солиқ ставкаси белгиланган бўлса, фақат асосий фаолият турига татбиқ этилади.⁴⁶

⁴⁶Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2013 йилнинг 4 апрелида 2449 рақам билан рўйхатдан ўтказилган "Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги"ги низоми

Маълумки, Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 августда 1502- рақам билан рўйхатдан ўтган “Янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида”ги низомига мувофиқ янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби белгиланган. Ушбу тартиб савдо ва умум овқатланиш корхоналари ва лотереяларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди. Мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-3620- сон фармони қабул қилинганидан кейин рўйхатдан ўтказилган микрофирма ва кичик корхоналарга тегишлидир.

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ер солиғининг уч баробари миқдоридан келиб чиқиб тўлаш хусусиятлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2011 йил 1 июлидан бошлаб ягона солиқ тўловини тўловчилар учун шундай тартиб жорий қилинмоқдаки, унга мувофиқ ягона солиқ тўлови белгиланган ставкалар бўйича, бироқ энг кам миқдоридан солиқ тўловчилар эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг 3 бараваридан кам бўлмаган миқдорида тўланади. 2011 йилнинг 3 мартада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг “Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомини

тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан давлат рўйхатидан ўтказилди. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур меъёри қўйидагиларга татбиқ этилмайди:

1. Ягона солиқ тўловини ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ айнан шундай фаолият турини амалга ошираётган яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдиган чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга

2. Юридик шахсларга:

-ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлмаганларга;

-ягона солиқ тўловини тўлашдан тўлиқ озод этилиш кўринишида имтиёзга эга бўлганларга;

-ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганларга нисбатан.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикаси олдида турган қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда, шу жумладан, бозорларни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик тизимининг муҳим таркибий қисми бўлмиш кичик бизнеснинг ахамияти беқиёслиги, Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда давлатнинг катта ёрдами туфайли кичик бизнес корхоналари ўзининг катта имкониятларини ишга солиши мумкинлиги, уларга давлат ёрдам бериши, кафолатлашдан ташқари ихчамлашган солиққа тортиш тизимига утишга рухсат беришлик уларни ташкил қилиш, молия-хўжалик фаолиятини бошқаришда муҳим ахамиятга эга бўлди.

Мазкур меъёрларнинг жорий этилиши кичик бизнес субъектлари молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил этиш мақсадида Термез шаҳри кесимидаги келтирилган маълумотлардан фойдаланамиз:

Қуйида келтирилган жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, Сурхондарё вилояти Самарқанд шаҳрида жами фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони 2008 йилда 4148 тани ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 5668 тага етган, яъни 1520 тага ошган (ўсиш кўрсаткичи 136%). Ягона солиқ тўловчи юридик шахсларнинг сони 2008 йилда 3610 тага тенг бўлган ҳолда, 2012 йилда бу кўрсаткич 417 тага ошиб (ўсиш кўрсаткичи 111%) 4027 тани ташкил этган. Мазкур кўрсаткичнинг 2009-2012 йилларда деярли ўсиши кузатилмаётганлигини, ҳамда ягона солиқ тўловчи юридик шахсларнинг жами фаолият кўрсатувчи юридик шахсларга нисбатан улушининг камайиб кетиши кузатилмоқда, яъни 2008 йилда бу улуш 87%ни, 2012 йилга келиб 71%ни ташкил этган, яъни 16%га камайган.

2.3-жадвал

Сурхондарё вилояти Термез шаҳри бўйича фаолият кўрсатувчи юридик шахслар ва солиқ тушумлари тўғрисида маълумот⁴⁷

ТР	Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
1	Жами фаолият кўрсатаётган (действующий) юридик шахслар сони	4148	5351	5291	5583	5668
2	Жами солиқ тушумлари (млрд.сўмда)	103,9	122,2	173,2	214,8	267,2
	шундан					
3	Ягона солиқ тўловчи юридик шахслар сони	3610	4011	4026	4029	4027
4	Ягона солиқ тўловчи юридик шахсларнинг солиқ тушумлари (млн.сўмда)	11757	18151	26200	30900	38760

⁴⁷ Жадвал Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси молиявий статистик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Шу ўринда биз томонимиздан ўртага қўйилган масалага ойдинлик киритиш мақсадида Термез шаҳри бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар тўғрисида сўз юритсак, агарда қуйида келтирилган жадвалга мурожаат қиладиган бўлсак, 2008 йили Термез шаҳрибўйича 4148 та юридик шахс фаолият юритган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 5668 тага етган ва шу ўринда улар томонидан тўланган жами солиқ тушумлари 103,9 млрд.сўмдан 267,2 млрд. сўмга етган.

Бу ерда иккинчи масала тадбиркорларимиз томонидан яъни ягона солиқ тўловчилар сони эса, 3610 тадан 2012 йилга келиб, 4027 тага етган яъни 417 тага ортган ва шу ўринда улар томонидан ягона солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан тўланган солиқ тушумлари 2008 йили 11757 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 38760 млрд. сўмни ташкил қилган.

2.4-жадвал

Сурхондарё вилояти бўйича рўйхатга олинган юридик шахслар⁴⁸

№	Туман(шаҳар) номлари	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
1	Термез ш.	7 333	7 057	7 334	7 342	7 134
2	Термез т.	2 259	3 188	3 604	3 636	3 568
3	Шеработ	3552	2426	2464	2463	2519
4	Ангор	1 363	2943	3060	3 160	3237
5	Музробот	2 401	3 775	3 850	3 965	4 026
6	Кизирик	1 700	2 145	3 151	2 572	2 697
7	Жаркургон	1 959	3 540	3 601	3 593	3 687
8	Кумкургон	1 703	2 298	2 375	2 465	2 416
9	Олтинсой	919	3917	3419	3 413	2 442
10	Шурчи	1 254	2 056	3306	3 057	2 391
11	Бойсун	1 976	2 522	2 245	3 650	2 805
12	Денов	4647	5199	5 052	5 568	5 714
13	Сариосиё	1 164	2 350	2 362	2670	4 433
14	Узун	2 559	2 669	2 820	2 758	3 658
	ЖАМИ:	34 789	46 085	48 643	50 312	50 727

⁴⁸ Жадвал Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси молиявий статистик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Албатта бу кўрсаткич ягона солиқ тўловчилар томонидан белгиланган тартибда солиқларни тўлаётганликлари ёки ўз олдидagi мажбуриятларини бажармоқдалар дейишимиз мумкин.

Сурхондарё вилояти бўйича рўйхатга олинган юридик шахсларни 2009-2013 йиллар давомида кўриб чиқадиган бўлсак, 2009 йилда вилоят бўйича жами 34789 нафарни ташкил этган бўлса ушбу кўрсаткич 2013 йилга келиб 50727 нафарни ташкил этган, ёки 2009 йилга нисбатан 2013 йилда ушбу кўрсаткич 45,8 фоизга ўсган. (2.5-жадвал)

2.5-жадвал

Сурхондарё вилояти бўйича фаолият юритаётган юридик шахслар сони⁴⁹

№	Туман(шахар) номлари	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
1	Термез ш.	5 351	5 291	5 583	5 668	5 662
2	Термез т.	2 214	1 957	1 518	1 473	1 467
3	Шеработ	2379	1923	1699	1743	1655
4	Ангор	1 329	1 222	1 169	1 172	1287
5	Музробот	2 098	1 781	1 794	1 523	1 752
6	Кизирик	1 392	1 179	1 048	1 437	1 571
7	Жаркургон	1 894	1 471	1 364	1 420	1 550
8	Кумкургон	1 479	1 628	1 390	1 292	1 364
9	Олтинсой	2089	1798	1748	1719	1764
10	Шурчи	1 188	1 064	1 073	1 080	1 116
11	Бойсун	1 751	1 576	1 303	1 673	1 769
12	Денов	3 102	3 026	2 575	2 458	2 543
13	Сариосиё	2 134	2201	2056	2108	2258
14	Узун	2 268	1 809	1 778	1 664	1 687
	ЖАМИ:	30 668	27 926	26 098	26 430	27 445

Сурхондарё вилояти бўйича фаолият юритаётган юридик шахслар сонини 2009-2013 йиллар давомидаги кўриб чиқадиган бўлсак, 2009 йилда вилоят бўйича жами 30668 нафарни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2013 йилга келиб 27445 нафарни ташкил этган, ёки 2009 йилга нисбатан

⁴⁹ Жадвал Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси молиявий статистик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган

2013 йилда ушбу кўрсаткич 10,5 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. (11-жадвал)

Термез шаҳри бўйича эса 2008-2012 йиллар давомида ҳақиқатда фаолият кўрсатувчи юридик шахслар ва улар томонидан тўланган солиқ тушумларини кўриб чиқадиган бўлсак, 2008 йилда 4148 нафар фаолият кўрсатган юридик шахслар томонидан 103,9 млрд сўм, 2012 йилда эса 5668 нафар фаолият кўрсатган юридик шахслар томонидан 267,2 млрд сўм солиқлар тўланган ёки 2012 йилда 2008 йилга нисбатан уларнинг сони 36,6 фоизга ўсган бўлса, тўланган солиқлар 2,6 баробарга ўсган.

Термез шаҳри бўйича 2008-2012 йиллар давомида ҳақиқатда фаолият кўрсатувчи ягона солиқ тўловчи юридик шахслар ва улар томонидан тўланган солиқ тушумларини кўриб чиқадиган бўлсак, 2008 йилда 11757 нафар фаолият кўрсатган ягона солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан 3610,0 млн сўм, 2012 йилда эса 38760 нафар фаолият кўрсатган ягона солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан 4027,0 млн сўм солиқлар тўланган ёки 2012 йилда 2008 йилга нисбатан уларнинг сони 3,3 баробарга ўсган бўлса, улар томонидан тўланган солиқ тушумлари 11,6 фоизга ўсган.

Шу ўринда Сурхондарё вилояти бўйича рўйхатга олинган корхоналар сони йиллар сайин ортиш тенденциясига эга бўлишига қарамасда уларнинг орасида жами тугатилган (Банкротлик асосида тугатилган, ПК-630-сон қарори асосида ихтиёрий тугатилган, ВМ 327-сон қарори асосида мажбурий тугатилган) юридик шахслар, сони ҳам йилларп давомида ортаётганлигини кўришимиз мумки, яъни агарда Термез шаҳрибўйича бу кўрсаткич таҳлил этилганда 2009 йили 595 тани ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб, 3405 тани ташкил этган ва бу кўрсаткични бутун вилоят

**Сурхондарё вилояти бўйича 2009-2013 йиллар давомида тугатилган
(Банкротлик асосида тугатилган, ПК-630-сон қарори асосида
ихтиёрий тугатилган, ВМ 327-сон қарори асосида мажбурий
тугатилган)юридик шахслар сони ⁵⁰**

2.6-жадвал

№	Туман(шахар) номлари	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
1	Термез ш.	595	1 573	2 038	2 688	3 405
2	Термез т.	101	127	189	220	358
3	Шеработ	68	101	163	231	286
4	Ангор	60	80	154	198	312
5	Музробот	30	96	139	268	298
6	Кизирик	187	280	382	457	559
7	Жаркургон	41	90	206	249	313
8	Кумкургон	177	244	325	365	487
9	Олтинсой	79	105	124	262	283
10	Шурчи	36	99	142	332	322
11	Бойсун	31	105	252	336	462
12	Денов	132	233	395	463	576
13	Сариосиё	112	181	262	301	459
14	Узун	139	220	286	370	589
	ЖАМИ	1 788	3 534	5 057	6 740	8 709

бўйича таҳлил этилганда у 2009 йили 1788 тани ташкил этиб, 2013 йилда 8709 тани ташкил этган. Шу ерда бир қизиқарли савол ёки муаамонинг гувоҳи бўламиз, албатта бу ерда бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг давлат рўйхатидан ўтиши ёки тугатилиши табиий ҳолат саналиши мумкин, аммо бу ерда бир икки мунозарали ҳолат яъни бир томондан маълум сабабларга кўра тугатилаётган корхоналаримиз мамлакатимиз давлат бюджетимга маълум қисмда даромад келтиришлари ва мамлакат ЯИМда ўзининг ҳиссаларини қўшишлари ёки иккинчи томондан уларнинг тугатилиши оқибатида қанча ишчи ходимларнинг меҳнат фаолияти, уларнинг молиявий ижтимоий иқтисодий ҳолатини ҳам кўз олдимизга келтирсак мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Юқоридаги

⁵⁰ Жадвал Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси молиявий статистик хисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ҳолатдан келиб чиққан ҳолда Банк, молия, солиқ тизими ҳамда маҳаллий жойлардаги ҳокимиятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларимизнинг рўйхатдан ўтиши ёки улар томонидан тузилаётган бизнес режа, уларнинг фаолият доираси изчил техник иқтисодий жиҳатдан экспертизадан ўтишини таъминлашимиз керак. Албатта, бу ҳолат солиқларнинг режалаштириш, прогнозлаш ва албатта уларга нисбатан барқарор, ҳам давлат, ҳам хўжалик юритувчи субъект манфаатларига жавоб берадиган солиқ маъмурчилигини тадбиқ этишга ўз ҳиссасини қўшади дейишимиз мумкин.

II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАРНИНГ МАЗМУНИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш борасида қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор йўналишларда иш юритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси олдида турган қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда, шу жумладан, бозорларни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик тизимининг муҳим таркибий қисми бўлмиш кичик бизнеснинг аҳамияти беқиёслиги, Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда давлатнинг катта ёрдами туфайли кичик бизнес корхоналари ўзининг катта имкониятларини ишга солиши мумкинлиги, уларга давлат ёрдам бериши, кафолатлашдан ташқари ихчамлашган солиққа тортиш тизимига утишга рухсат беришлик уларни ташкил қилиш, молия-хўжалик фаолиятини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур меъёрларнинг жорий этилиши кичик бизнес субъектлари молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил этиш жараёнида мамлакатимизда қолаверса Сурхондарё вилоятида тадбиркорликнинг ривожланиши бўйича барча шарт шароитлар яратилганлиги маълум бўлди. Аммо ушбу ҳолатлар

билан биргаликда уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларимизнинг рўйхатдан ўтиши ёки улар томонидан тузилаётган бизнес режа, уларнинг фаолият доираси изчил техник иқтисодий жиҳатдан экспертизадан ўтишини таъминлашимиз керак. Албатта, бу ҳолат солиқларнинг режалаштириш, прогнозлаш ва албатта уларга нисбатан барқарор, ҳам давлат, ҳам хўжалик юритувчи субъект манфаатларига жавоб берадиган солиқ маъмурчилигини тадбиқ этишга ўз ҳиссасини қўшади дейишимиз мумкин.

III-Боб. Тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш амалиётини такомиллаштириш масалалари

3.1. Тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.

Ҳар бир амалдаги қонунчиликда макон ва замон шароитида ўз даврининг долзарб муаммоларидан келиб чиқиб айрим камчиликлар мавжуд бўлади. Ушбу муаммолар мутахассислар томонидан чуқур таҳлиллар асосида ўрганиб чиқилгандан сўнг асосида амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар киритилади ва ўз ечимини топгунга қадар белгилианган чора тадбирлар бўйча

Амалдаги меъёрий миқдорларнинг қўлланилишида юзага келадиган айрим муаммоларини мисол тариқасида келтириб ўтамыз:

1) 2013 йил 4 апрелда Адлия вазирлиги томонидан 2449-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомга асосан чакана савдо корхоналар учун ягона солиқ тўлови худди шундай фаолият билан шуғулланувчи якка тадбиркорнинг қатъий белгиланган солиғидан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланади. Муаммо ҳам шундаки, бунда юридик шахс бўлган тадбиркорнинг иш ҳақи билан боғлиқ бўлган равишда тўлайдиган солиқлари инобатга олинмаган. Бу эса, айнан бир хил фаолият ва даромадга эга бўлган, лекин мақоми бўйича бошқа-бошқа бўлган солиқ тўловчилар ўртасига солиқ юкининг номуносиблигига олиб келмоқда. Узвий боғлиқликда ушбу муаммо бошқа муаммони келтириб чиқаради, яъни тадбиркорни таъсис этган юридик шахс сифатидаги фирмасини тугатиб, якка тадбиркор сифатида ўз фаолиятини давом эттиришга ундайди. Қонунчилик бўйича, якка тадбиркор эса ишчи-ходим ёллаш ҳуқуқига эга эмас ва бухгалтерия ҳисобини юритмайди.

2) Яна бир муаммо, фаолияти мавсумий бўлган тадбиркорлик субъектларига тегишли. Масалан, қурилиш ташкилотлари қурилиш объектини маълум бир муддатда тугатиб топширгандан сўнг яна бошқа

бир объектнинг қурилишини бошлагунча бир неча ой, айрим ҳолларда бир неча йиллар фаолият кўрсатмаслиги мумкин. Бунда ҳам солиқ тўлашда эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг уч бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўланадиган солиқнинг меъёрий миқдорлари билан боғлиқ қийинчиликлар келиб чиқади.

3) биз эътиборингизни яна бир муаммоли жиҳатга қаратмоқчимиз, меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткасининг бошланғич разряди этиб биринчи разряд белгиланган, нулинчи разряд бекор қилинган;

Шу ўринда юқорида акс эттирилган муаммони амалий жиҳатдан асослаш мақсадида мисол тариқасида х ташкилот мисолида биз томонимиздан билдирилган фикрни асосламоқчимиз.

республиканинг барча ташкилотларида меҳнат ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган ҳолда белгиланган.

Т/р	И. Ф. Ш	ойлиг маоши (ихтиёрий)	Дарома д солиғи (8%)	мажбурий суғурта бадаллари (6,5%)	ойлик маоши (2,476) биринчи разряд	Дарома д солиғи (8%)	мажбурий суғурта бадаллари (6,5%)	ижобий ҳолати дарома д солиғида	ижобий ҳолати мажбурий суғурта бадаллари
1	2	3	4=3*8%	5=3*6,5	6	7=6*8%	8=6*6,5%	9=7-4	10=8-5
1	A	140000	11200	9100	237956	19036,48	15467,14	7836,48	6367,14
2	S	135000	10800	8775	237956	19036,48	15467,14	8236,48	6692,14
3	D	210000	16800	13650	237956	19036,48	15467,14	2236,48	1817,14
4	F	200000	16000	13000	237956	19036,48	15467,14	3036,48	2467,14
5	G	185000	14800	12025	237956	19036,48	15467,14	4236,48	3442,14
6	H	125000	10000	8125	237956	19036,48	15467,14	9036,48	7342,14
7	J	195000	15600	12675	237956	19036,48	15467,14	3436,48	2792,14
8	K	220000	17600	14300	237956	19036,48	15467,14	1436,48	1167,14
9	L	235000	18800	15275	237956	19036,48	15467,14	236,48	192,14
10	Z	198000	15840	12870	237956	19036,48	15467,14	3196,48	2597,14
11	X	145000	11600	9425	237956	19036,48	15467,14	7436,48	6042,14
12	C	156000	12480	10140	237956	19036,48	15467,14	6556,48	5327,14
13	V	178000	14240	11570	237956	19036,48	15467,14	4796,48	3897,14
14	B	175000	14000	11375	237956	19036,48	15467,14	5036,48	4092,14
15	N	225000	18000	14625	237956	19036,48	15467,14	1036,48	842,14
Жами:		2722000	217760	176930	3569340	285547,2	232007,1	67787,2	55077,1

3.1-расм. Термез шаҳар умумий овқатланиш корхонасида

меҳнат ҳақини ҳисоблаш бўйича ҳисоб китоб

Бу ҳолатда кўриниб турибдики:

Ихтиёрий ойлик маошни қайд этган ташкилот раҳбари ёки ҳисобчиси 217760 сўм даромад солиғини тўлайди.

Биринчи разряд бўйича ойлик маошини қайд этган эса 285547 сўм даромад солиғини тўлайди.

Ихтиёрий ойлик маошини ёзган ташкилот 67787 сўм даромад солиғи ва мажбурий суғурта бадали бўйича **55077 сўм** тўламасдан қолмоқда ва давлат бюджетига маълум миқдорда зиён келтирмоқда.

Республикамизда барча солиқ тўловчи юридик шахслар меҳнат ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасининг биринчи разряддан кам бўлган ҳолда қўлланилганда жавобгарлик масаласи меъёрий ҳужжатларда аниқ **кўрсатилмаган**, ушбу ҳолат учун қонуний жавобгарликни такилотларнинг ҳисобчиси ва раҳбарига **чора кўриш бўйича Маъмурий жавобгарлик кодексига ўзгартириш киритиш тавсия этилади.**

Корхона ҳисобчиси ўзининг ҳисоботида 10 та ходимга 1500000 сўм иш ҳақи ёзиб келса, унда ташқи манбадан аниқлаб ходимлар сонини иш ҳақиға бўлиб 150000 сўмдан иш ҳақи ёзган деб қабул қилинади, аслида эса 10 та ходимга 2379560 сўм иш ҳақи кўрсатилиши шарт эди деб 879559 сўмдан қўшимча солиқ ва суғурта бадали ҳисобланадиз. Лекин 10 ходимга ҳисобчи томонидан 3000000 сўм иш ҳақи кўрсатилса ҳисобот қабул қилувчи инспектор муаммосиз қабул қилади. Бу камчиликларни аниқлаш имкони фақатгина корхонада текшириш ўтказилса юзага келади.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида тадбиркорлик фаолияти ва давлатнинг билвосита бошқаришга асосланган ҳолда рақобатчилик механизмига таяниб чуқур тузилмавий ислохотлар амалга оширилмоқда. Билвосита бошқариш ҳақида гап кетганда, авваламбор, иқтисодий ривожланишнинг муҳим жараёнининг солиқ тизими орқали амалга ошириш тушунилади

Бизга маълумки солиқлар иқтисодийни бошқаришнинг асосий ричакларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда солиқларга эътибор жуда каттадир. Солиқларнинг фискал функцияси орқали солиққа тортишнинг асосий вазифаси, яъни давлат молиявий маблағларининг шаклланиши, шунингдек, давлатнинг умудавлат ва мақсадли дастурларини амалга ошириш учун маблағларни жамғариш вазифаларни амалга оширади. Солиқ тушумлари давлат бюджети даромадларининг асосини ташкил қилади. Масалан, АҚШда солиқ тушумлари давлат бюджетининг 98%ини, Буюк Британияда-97%ини, Францияда -91%ини, МДХ давлатларида бу кўрсаткич Россияда-82.7%, Қозоғистонда 97%ни, Ўзбекистонда эса 2005 да жамланган бюджетга нисбатан 95.3%ни ташкил этади.

Давлат ўз тасарруфида ишлаб чиқарган ЯИМнинг анчагина қисмини солиққа тортиш йўли билан олади ва қайта тақсимлайди. Юқори бобларда айтиб ўтилганидеки солиқ тушумларининг улуши ижтимоий фондларга тўловлар биргаликда ЯИМ га нисбатан АҚШда-29.0%, Германияда-41%, Россияда-24.3%, Қозоғистонда-22.4%.

Хулоса сифатида яна шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлар базасининг шакллантиришнинг ҳозирги ҳолатида солиқли даромадлар асосий ўринни эгаллайди. Бунда билвосита солиқларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда. Юқорида таҳлил қилганимиздек уларнинг солиқли даромалар ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденциясининг кузатишмоқда, бу мамлакат иқтисодий ва аҳоли истеъмоли учун ижобий ҳолатдир.

Янги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш чоғида соддалаштирилган солиқ солиш ва ҚҚС тизими ҳам муҳим масалалардан бири бўлиши керак. Хорижий маслаҳатчилар, шунингдек Молия вазирлиги ва БССМ экспертлари соддалаштирилган солиқ солишнинг мавжуд бўлиши иқтисодийтимизда оғишлар (бузилишлари)ни яратади, деган хулосага келдилар.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар улар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш мақсадида КЎБ субъектларига соддалаштирилган ёки презумптив солиқ солишнинг муайян шакллари кўллайди. Бундай “мукобил солиқлар” ҳақиқатан ҳам КЎБни ривожлантиришга етарлича самара билан хизмат қила олишига қарамай, улар бутун иқтисодиёт учун чиқимлар билан боғланган. Бундан ташқари, уларга доир ҳуқуқий имкони борида узок саклаб қолиш учун фирмалар ўз фаолияти даражасини жиловлашлари ёки сунъий равишда икки ва ундан кўп бирликларга бўлиниши мумкин ва ҳоказо.

Соддалаштирилган солиқ солишдан фойдаланиш номақбуллигининг яна бир сабаби шуки, у солиқ тўловчилар учун солиқ юкини оғирлаштириши мумкин. Хусусан, солиқ тўловчилар билан оддий ва соддалаштирилган солиқ солиш ўртасидаги битимлар туфайли ҚҚС оддий занжири узилганда салбий оқибатлар юзага келиши мумкин. Агар ҳом ашё, материаллар ва ҳоказоларни етказиб берувчи ҚҚС тўловчиси бўлмаса, миқдорнинг корхонаси харид кийматида киритилган солиқ учун бирор-бир копланми талаб қила олмайди. Бу эса харидор чиқимларини кўпайтириб, бу билан унинг фойдасини камайтиради. Бу хил муаммолар ҚҚС тўловчиси амалга оширадиган харидлар чоғида ҳам юзага келади.

Солиқ тўловчиларнинг турли тоифалари учун ягона/соддалаштирилган солиқ ва стандарт солиқлар чизмаларини кўллаш оқибатлари анчагина фаркланади: натижада баъзилар бошқаларга қараганда анча кўп тўлайди. Бизнеснинг турли шакллари (улгуржи савдо, чакана савдо, ўз маҳсулотини сотиш ёки ўз активлари реализацияси) учун ягона/соддалаштирилган солиқларнинг кўплаб ставкалари ва активлар реализациясининг турли қоидалари буни исботлайди. Шу сабабли айтиш мумкинки, соддалаштирилган солиқ солишнинг мажбурияти солиқ тизимини мураккаблаштиради ва хилма-хил оқишларни юзага келтиради. Бунинг устига, солиқ солишнинг

соддалаштирилган ва оддий (умумбелгиланган) тартиби ўртасидаги номувофикликларни тузатишга уринишлар факат янада мураккаблашишга олиб келади ва шу сабабли муваффақият қозона олмайди. Анъанавий (умумбелгиланган) тизимни соддалаштириш анча яхшироқдир, бу Ўзбекистонда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун тенг ва макбул шарт-шароитлар яратади. Бунинг устига, республика Президенти янги Солиқ кодекси концепциясини ишлаб чиқишга тааллуқли ўз фармойишида бошқа вазифалар қаторида солиқ тизимини соддалаштириш ва барча солиқ тўловчилар учун солиқ солишнинг шарт-шароитларини тенглаштириш (асосан ўзини окламаган имтиёзларни ва солиқ солишнинг оддий режимидан озод қилишларни бекор қилиш хисобига) вазифасини кўйди.

3.2. Тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришни такомиллаштириш масалалари

Солиқлар бозор иқтисодиётининг энг муҳим воситаси бўлганлиги учун ҳам ғарбдаги юксак даражада ривожланган мамлакатлар хўжаликларини бошқаришда улардан фойдаланиш тажрибаси биз учун ҳам қизиқарлидир. Янги солиқларни жорий қилиб, қайсидир олдинги солиқлар ва йиғимларни бекор қилиб, солиқ ставкаларини ошириш ёки пасайтириб, бошқа воситалардан фойдаланиб, давлат факат ўз миллий бюджетини шакллантирмайди, балки жамиятда тегишли иқтисодий, ахлоқий ва сиёсий вазиятни, фуқароларнинг меҳнат шароитини ва фаоллигини рағбатлантирувчи муҳит яратади ва мана шу маънода солиқлар мамлакатни фаровонликка эришиши учун замин ёки бу йўлда тўсиқ хизматини ўташи мумкин.

Биз томонимиздан таҳлил жараёнида олиб борган тадқиқотларимиз натижасида тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш

жараёнида уларни такомиллаштириш бўйича қуйидаги фикрларни билдирмоқчимиз.

1. Қабул қилинган меъёрий миқдорлар солиққа тортиш тизимида тегишли ҳолларда солиқ юки номутаносиблигини келтириб чиқариши натижасида солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектлари ўртасида тенг бўлмаган рақобат муҳитини вужудга келтиради.
2. Ҳозирги интенсив глобаллашув шароитида миллий солиқ тизимининг жаҳон солиқ амалиётидан фарқланиши.
3. Меъёрий миқдорларнинг жорий қилиниши ва амалиётга тадбиқ этилиши улардан дастлаб кўзланган мақсадни тўлиқ амалга ошириш имкониятининг мавжуд эмаслиги ва натижада доимий равишда турли меъёрий миқдорларнинг жорий этилишига ҳамда ўзгартиришлар киритилишига олиб келмоқда.
4. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини интерактив хизматлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, келгусида кичик бизнес корхоналарини соддалаштирилган тартибда солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар илгари сурилмоқда:

– Республикамизда кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолиятини молиявий рағбатлантириш ва уларнинг ЯИМдаги улушини кескин ошириш учун ягона солиқ тўловининг ставкасини камайтириб бориш лозим.

– Кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий овқатланиш ташкилотларида хизмат кўрсатиш ҳажмини ва сифатини ошириш мақсадида асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрларини таснифлаш (классификациялаш) ижобий натижа беради;

– Кичик бизнеснинг меъёрий миқдорлари тўғрисида қабул қилинган Қарор ва Низомларни соддалаштириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида уларни уйғунлаштирган ҳолда ягона ҳуқуқий меъёр ишлаб чиқилишини лозим, сабаби ушбу Қарор ва Низомлар бир мақсадга

йўналтирилган, яъни солиқлардан қочиш, бўйин товлаш ва хуфёна иқтисодиётни олдини олишга қаратилган, бироқ ушбу ҳуқуқий меъёрларнинг яхлит тарзда эмаслиги амалиётда тадбиркорлик субъектлари ва солиқ органлари ходимлари ўртасида баъзи англашилмовчиликларни юзага келтирмоқда.

Бинобарин, тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини шундай белгилаш лозимки, бир томондан, давлат бюджети манфаатлари ва иккинчи томондан, тадбиркорлик субъектлари манфаатлари фойдасига кўзланган ҳолда белгиланиши, шунингдек, иқтисодиётнинг ривожланиши учун хизмат қиладиган – солиқ тизимини яратилиши муҳим деб ҳисоблайман.

Тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш жараёнида кичик бизнесни солиққа тортишда ҳозирги меъёрий микдорларини жорий этилиши уларни хуфёна иқтисодиётга ўтиб кетишига сабаб бўлмоқда. Масалан, савдо билан шуғулланадиган кичик бизнес субъекти имкони бўлса юридик шахсдан яқка тартибдаги фаолиятга ўтиб кетмоқда, бу эса ўз ўзидан хуфёна иқтисодиётга ўтиб кетишга сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда бир қатор саволлар юзага келиши муқаррар. Жумладан, Нечта регистрация қилинган корхона ликвидация қилинди? Жуда кўп, нима учун? У солиқчига маълум бир улуш бериб турибди, аммо шу рағбатлантириш билан у солиқни туламайди. Бекатда турган магазин бу блгиланган меъёрий микдорларни кўтаролмайди, натижада ноқонуний рўйхатдан ўтмаган ҳолда фаолият олиб боради.

Меъёрий микдорларни жорий этилиши айрим ҳақиқий тадбиркорликни бошлаётганларни, ёш тадбиркорларни синдирди, чек кўйди, сабаби уларга ҳеч қандай имтиёз йук, биринчи кундан ушбу меъёрий микдорларни қўуллаб юборилди.

Ҳаммага тушунарли булиши учун озик-овкат **магазин М1**(узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатади):

обороты 100 млн, солиғи $6\% = 6$ млн, меъёрий микдор б-ча ер солиғининг 3 бараваридан кам бўлмаган, яъни ер солиғи $= 1,5 \text{ млн} * 3 = 4,5$ млн, $6 > 4,5$ дан ортиқ. Бунга меъёрий микдор қўлланилмайди, ҳаммаси жойида.

Энди янги очилган магазин М2:

обороты 25 млн, солиғи 6% дан $= 1,5$ млн, меъёрий микдор б-ча эса ер солиғининг 3 бараваридан кам бўлмаган, яъни ер солиғи $= 1,5 \text{ млн} * 3 = 4,5$ млн дан кам бўлмаслиги керак, $1,5 < 4,5$ дан кам. Демак, магазин 4,5 млн тўлашга мажбур, ставкада эса бу 18% тўлашга мажбур. « $6\% ? 18\%$ »...

Қани бу ерда тадбиркорларни қўллаб қувватлашу, енгиллик беришу, солиқ юкини қистартирилишу.... ва бошқалар.

Бошида бюджет даромади тушумларини кўпайтиришга қаратилган бу сиёсат бугунги кунда салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз томонимиздан қуйидаги таклифларни тавсия этмоқчимиз.

- 1) Янги ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларига уларни рағбатлантириш мақсадида 2 йил муддатда меъёрий микдорларни тадбиқ этилмаслиги керак;
- 2) Аммо бунга бошқа томондан ёндашилганда агарда мазкур хўжалик юритувчи субъект белгиланган муддатдан олдин ўз фаолиятини тўхтатган ҳолда бутун давр учун солиқ ва мажбурий тўловларни тўлиқ қоплаши зарурлигини қайд этиш керак.
- 3) Тадбиркорларни солиқлар воситасида рағбатлантиришда уларни табақалаштиришимиз. Бу ҳолат тадбиркорларимизнинг фаолиятида ўз таъсирини кўрсатади.

III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАРНИНГ МАЗМУНИ

Соддалаштирилган солиқ солишдан фойдаланиш номақбуллигининг яна бир сабаби шуки, у солиқ тўловчилар учун солиқ юкини оғирлаштириши мумкин. Хусусан, солиқ тўловчилар билан оддий ва соддалаштирилган солиқ солиш ўртасидаги битимлар туфайли

ҚҚС оддий занжири узилганда салбий оқибатлар юзага келиши мумкин. Агар хом ашё, материаллар ва хоказоларни етказиб берувчи ҚҚС тўловчиси бўлмаса, миждознинг корхонаси харид кийматига киритилган солиқ учун бирор-бир копланми талаб кила олмайди. Бу эса харидор чиқимларини кўпайтириб, бу билан унинг фойдасини камайтиради. Бу хил муаммолар ҚҚС тўловчиси амалга оширадиган харидлар чогида ҳам юзага келади.

Солиқ тўловчиларнинг турли тоифалари учун ягона/соддалаштирилган солиқ ва стандарт солиқлар чизмаларини кўллаш оқибатлари анчагина фаркланади: натижада баъзилар бошқаларга караганда анча кўп тўлайди. Бизнеснинг турли шакллари (улгуржи савдо, чакана савдо, ўз махсулотини сотиш ёки ўз активлари реализацияси) учун ягона/соддалаштирилган солиқларнинг кўплаб ставкалари ва активлар реализациясининг турли коидалари буни исботлайди. Шу сабабли айтиш мумкинки, соддалаштирилган солиқ солишнинг мавжудлиги солиқ тизимини мураккаблаштиради ва хилма-хил оғишларни юзага келтиради. Бунинг устига, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва оддий (умумбелгиланган) тартиби ўртасидаги номувофикликларни тузатишга уринишлар факат янада мураккаблашишга олиб келади ва шу сабабли муваффақият қозона олмайди. Анъанавий (умумбелгиланган) тизимни соддалаштириш анча яхшироқдир, бу Ўзбекистонда хар бир хўжалик юритувчи субъект учун тенг ва макбул шарт-шароитлар яратади.

Бошида бюджет даромади тушумларини кўпайтиришга қаратилган бу сиёсат бугунги кунда салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз томонимиздан қуйидаги таклифларни тавсия этиш доирасида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ янги ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларига уларни рағбатлантириш мақсадида 2 йил муддатда меёрий миқдорларни тадбиқ этилмаслиги керак; Аммо бунга бошқа томондан ёндашилганда агарда мазкур хўжалик юритувчи субъект белгиланган муддатдан олдин ўз

фаолятини тўхтатган ҳолда бутун давр учун солиқ ва мажбурий тўловларни тўлиқ қоплаши зарурлигини қайд этиш керак; тадбиркорларни солиқлар воситасида рағбатлантиришда уларни табақалаштиришимиз. Бу ҳолат тадбиркорларимизнинг фаолятида ўз таъсирини кўрсатади.

ХУЛОСА

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ва барча соҳаларда олиб борилаётган ижтимоий иқтисодий ислохотлар жумладан иқтисодиётнинг модернизациялашуви даврида тадбиркорлик фаолияти кун сайин ривожланиб бормоқда. Бу эса иқтисодиётимиз тармоқларининг шу ўринда бюджет, молия ва солиқ жараёнлари энг асосийси ҳам давлат ҳам хўжалик юритувчи субъектлар манфаати йўлида олиб борилаётган сиёсатда ўз аксини топади ҳамда мамлакат ижтимоий иқтисодий ривожланишида асосий ўрин эгаллайди.

Иқтисодиётни модернизациялашуви шароитида мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати тадбиркорлик, тадбиркорлар учун яратилаётган шарт шароитлар муҳитини яхшилаш уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш жумладан, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Республикаимизда бир неча йиллардан буён кичик бизнес субъектлари давлат томонидан қўллаб-қувватланиб келинмоқда, бунда айниқса солиқ имтиёзлари ва преференцияларини жорий этиш ўзининг муҳим самарасини бермоқда. Шу билан бирга кичик бизнесни мамлакатимизда янада юксалтириш иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналиши сифатида қаралмоқда.

Танланган мавзу доирасида олиб борилган тадқиқот якуни бўйича қўйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Кичик бизнес субъектларига нисбатан соддалаштирилган солиқ тартибини жорий қилиниши иккита асосий аспект билан тавсифланади:

Биринчиси - солиқларни унификация қилиш ва солиқ юкини қисқартириш йўли билан кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантириш;

Иккинчиси - кичик бизнес субъектларининг монопол корхоналар билан баҳони шакллантиришдаги рақобатбардошлигини ошириш.

2. Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда илмий хулоса қилинганда кўпгина давлатлар солиқ қонунчиликларида тақдим этилган имтиёзларни қўйидагича таснифлаш мумкин: солиқ тўловчи кичик бизнес субъектлари даражасида (янги ташкил этилган кичик корхоналарни солиқлардан озод қилиш, ортиқча ишчи кучига эга бўлган ёки кам ривожланган ҳудудлар ва иқтисодиётнинг устувор йўналишлари тармоқларида фаолият юритаётган кичик корхоналарни имтиёзли солиққа тортиш ва бошқалар); солиққа тортиш объектлари ва солиқ ставкалари даражасида (солиқ солинадиган базани аниқлашда турли солиқ чегирмаларини қўллаш, ўрнатилган солиқ ставкаларига нисбатан пасайтирувчи коэффицентлар жорий этиш); солиққа тортиш воситалари даражасида (солиқ ҳисоботларининг соддалаштирилган тартиби ва бошқалар).

3. 2010 йилдан бошлаб кичик тадбиркорлик субъектларига соддалаштирилган солиққа тортиш тартибини қўллашда ягона солиқ тўловининг меъёрий миқдорлари жорий этилди. Соддалаштирилган солиққа тортиш тартибида ягона солиқ тўлови бўйича меъёрий миқдорларнинг жорий этилиши бир томондан хуфёна даромадни легаллаштиришга ва солиқларнинг фискал функциясини оширишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан кам оборотга эга бўлган кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ юкининг кўпайишини келтириб чиқармоқда.

4. Фикримизча, ҳозирги солиқ сиёсатида кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш соҳасидаги ижобий натижалар назарий-услубий жиҳатдан маълум даражада ўз ечимини топган бўлса-да, амалиётда етарли даражада самарали намоён бўлмапти. Шунингдек, йирик бизнесдан фарқли равишда кичик тадбиркорликка фискал объект сифатида қаралмаслиги лозим. Кичик тадбиркорлик миллий

иқтисодиётнинг шундай соҳаси, уни солиққа тортишнинг стратегияси даромадларнинг фискал назоратига эмас, балки уларнинг легаллашувига йўналтирилиши лозим.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида соддалаштирилган тартибда солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида кўйидаги **таклифлар ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Республикамиз ялпи ички маҳсулоти таркибида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) улушини кўпайтириш мақсадида, янги ташкил этилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналари учун ягона солиқ тўловининг энг кам меъёрларини дастлабки икки йил давомида татбиқ этмаслик тавсия этилади.

Масалан, Сингапурда мамлакат ичида яратилган янги компаниялар учун уч йил муддатга биринчи 100000 Сингапур доллари миқдорида солиқдан озод этиш тизими жорий этилган. Кейинги 200000 Сингапур доллари миқдоридаги солиққа тортиладиган даромаднинг 50 фоизи ҳам солиққа тортилмайди.

2. Хўжалик юритувчи субъектларга солиқ солиш базасидан инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган харажатларни (инновацион технологияларни жорий қилиш учун илмий – тадқиқот, тажриба – конструкторлик ишларига қилинган харажатларни) чегириш имкониятини жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

3. Иқтисодиётни тартибга солувчи солиқ дастакларини кенгайтириш мақсадида солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш учун қўшимча мезон сифатида йиллик айланма ва активларнинг баланс қийматини жорий қилиш тавсия этилади.

Кўпгина давлатларнинг (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Япония) солиқ қонунчилигида “кичик бизнес” тушунчасини белгилашда базовий мезон сифатида сонли кўрсаткичлардан фойдаланилади, бироқ улар деярли

хар доим сифат тавсифлари (ялпи тушум, миллий валютадаги фойдаси, активларининг баланс қиймати ва ҳ.к.) билан тўлдирилади.

4. Кичик бизнес субъектлари учун белгиланган амалдаги солиққа тортиш тартибини оптималлаштириш учун мақсадли равишда фаолият тури ва солиқ тўловчининг жойлашган жойига қараб солиқ ставкаларини табақалаштирувчи тартибни жорий қилиш лозим. Масалан, ривожланиш даражаси ўртача республика даражасидан паст бўлган регионларга (Қорақалпоғистон, Хоразм, Сурхондарё) нисбатан пасайтирилган ставкаларда ягона солиқ тўловини қўллаш зарур.

5. Республикамизда кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантириш йули билан аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлар кўзга ташланмокда. Ўта долзарб бўлган ушбу масалани ҳал этишда қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектларини янги иш ўринларини ташкил этишга эътибор қаратиш лозим.

Шундай қилиб, юқорида биз келтирган таклифларни мамлакатимиз солиқ амалиётига тадбиқ этиш Ўзбекистон Республикасида тадбиркорларни солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришга, Республикамиз Президенти томонидан солиқ соҳасида қўйилган улкан вазифаларни муваффақиятли бажаришга, бир тарафдан давлат манфаатларини, иккинчи тарафдан солиқ тўловчилар манфаатларини уйғунлаштириш имконини бера оладиган тизимини шакллантиришга ва энг муҳими, мамлакатимизда кичик бизнесни янада ривожлантиришга замин яратилган бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003,- 121 б.
2. “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.- Т.: «Ўзбекистон», 14 декабр 2000 йил, -43 б.
3. «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. - Т.: “Ўзбекистон”, 26 август 2004 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т.: Ўзбекистон, 25 декабр 2007 йил, 263- бет

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва солиқ-бюджет концепциясидан келиб чиқадиган солиқ соҳасидаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2099-сонли қарори
2. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва солиқ-бюджет концепциясидан келиб чиқадиган солиқ соҳасидаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1887-сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва солиқ-бюджет концепциясидан келиб чиқадиган солиқ соҳасидаги ўзгаришлар Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1667-сонли қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2013 й. б
2. Каримов И.А., «Ўзбекистон буюк келажак сари» – Т., Ўзбекистон, 1998 йил.
3. И.А.Каримов. “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.”, 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси
4. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2011. – 56 бет.
5. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 бет.

IV. Асосий адабиётлар

6. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия Дарслик /Тошкент молия институти. –Тошкент: “Нашр”, 2012. 712 б.

7. Ваҳобов А.В, Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик-Т.:Шарқ, 2009. 448 бет.
8. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари . Монография. –Т.: “Молия”, 2012. –160б.
9. Маликов Т.С., П.Т. Жалилов Бюджет-солиқ сиёсати Т.С. Маликовнинг умумий тахрири остида; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тош. Молия ин-ти. –Т.: Академнашр, 2011.- 472 б
- 10.Хорижий мамлакатлар солиқ тизими. Ўқув қўлланма. / Н. Р. Кузиева, Т., Тошкент Молия Институти. 2004 й., 90 б.
- 11.Назарова Г.Ғ. Носирова К.А. Ҳалқаро иқтисодий интеграция Ўқув қўлланма ТДИУ. Т.: 2012. 128б.
- 12.Мирзаев Т., Мухитдинов С. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари: Ўқув қўлланма. Т.: ДСҚ Маслаҳат маркази.2003 й.
- 13.О.А.Миронова, Ф.Ф.Ханафеев. Налоговое администрирование. М. 2006
- 14.Р. Хизрич, М. Питерс Предпринимательство// Вып 1. М.,1991, с20
- 15.К. Макконелл, С. Брю Экономика. Принципы, проблемы и политика. – М.:Республика, 1992.- с.38
- 16.Ғуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: “Шарқ”, 2002. -9 б..
- 17.Черник Д.Г. и др. Налоги и налогообложения. М.:ЮНИТИ – ДАНА, 2008. 311 с

V.Қўшимча адабиётлар

- 18.Ходов Л.Г., Попов В.И. Подходное налогообложение физических лиц (зарубежный опыт, российские проблемы): Учеб.пособ.- М.: ТЕИС, 2004.
- 19.Ходов П.Г. Налоги и налогообложение экономики: Учебное пособие. - М.: ТЕИС, 2003.

VI.Даврий нашрлар, статистик маълумотлар тўплами

1. Иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат молиясини ислоҳқилиш йўналишлари. Республика

илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2007 йил 14-15- декабр

2. «Бозор, пул ва кредит» журнали.
3. «Ўзбекистон иқтисодиёти» журнали.
4. «Халқ сўзи» газетаси
5. «Ўзбекистон Иқтисодиёти» статистик маълумотлар тўплами. -Т., 2009-2010 йиллар

VII Диссертация ва диссертация авторефератлари

1. М.М. Абдурахмонова Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати 2012 й. 21 б
2. Бобоев А.Ч. Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг назарий жиҳатлари ва устувор йўналишлари иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати 2011 й. 26 б


VIII. Интернет сайтлари

1. www.lex.uz- Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
2. www.mf.uz- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
3. www.mb.uz - Ўзбекистон Республика Марказий банки сайти.
4. www.soliq.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиққўмитаси сайти.
5. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.

Иловалар


Илова1

Сурхондарё вилоят Термез шаҳар бўйича фаолият кўрсатувчи ягона солиқ тўловчи юридик шахслар ва солиқ тушумлари тўғрисида маълумот⁵¹



Илова 2


Сурхондарё вилоят Термез шаҳар бўйича фаолият кўрсатувчи юридик шахслар сони ва солиқ тушумлари тўғрисида маълумот⁵²



⁵¹ Диаграмма Сурхондарё вилоят ДСИ материаллари асоида муаллиф томонидан тузилган.

⁵² Диаграмма Сурхондарё вилоят ДСИ материаллари асоида муаллиф томонидан тузилган.

Сурхондарё вилоятида юридик шахслар бўйича статистик маълумот⁵³



Илова 4.


Сурхондарё вилояти бўйича жами тугатилган юридик шахслар бўйича статистик маълумот⁵⁴



⁵³ Диаграмма Сурхондарё вилоят ДСИ материаллари асоида муаллиф томонидан тузилган.

⁵⁴ Диаграмма Сурхондарё вилоят ДСИ материаллари асоида муаллиф томонидан тузилган.

Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сонининг динамикаси⁵⁵



⁵⁵ Диаграмма Сурхондарё вилоят ДСИ материаллари асоида муаллиф томонидан тузилган.